Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Биз Postda миз!

Сиз уйда қолинг!

# Мы – На посту!

2020-yil
26-mart
payshanba

№ 13 (4451/4369)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ҲАФТА ҚАҲРАМОНЛАРИ

# УЛАР СИЗ УЧУН ТУНУ КУН ХИЗМАТДА




Айни кунларда коронавирус инфекцияси бутун дунё жамоатчилиги эътиборидаги масалага айланиб, кўпчиликда ҳадик-хавотир уйғотди. Шу боис мамлакатимизда мазкур вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, 24 март кунидан эътиборан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб жорий этилди. Асосан Тошкент шаҳри ҳудудида аниқланган ушбу вирус республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш учун пойтахтимизга ҳар қандай транспорт воситасида (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиақатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) кириш тўхтатилди. Шунга кўра, 5 та блокпост ва 5 та тўсиқпост тўлиқ ёпилди.

2







## ТАЙИНЛАНДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан полковник Нишанбаев Саидкарим Абдухокимович Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимига**

Тайинловга қадар Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

## Коронавирусни юқтириб олиш хавфини қандай камайтириш мумкин?





- Қўлларни тез-тез ва яхшилаб совун билан оқар сувда ювиш, спиртли дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиш, овқат қилиш давомида ҳамда ундан олдин ва кейин, шунингдек, овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан ёки кўчадан келгандан сўнг қўлларни ювиш;
- юзингизни қўлингиз билан кўп ушламанг;
- имкон қадар бозор ва катта дўконлар каби кўп одам йиғиладиган жойларга боришни камайтиринг. Уйга етказиб бериш хизматидан фойдаланинг;
- йўталганда, бурун қоққанда ва аксирганда оғиз билан бурунга букилган тирсак, енг ёки салфеткани тутинг. Ундан кейин салфеткани дарҳол чиқинди қутисига ташланг ва қўлингизни ювишни унутманг;
- шамоллаш ёки грипп аломатларига эга одамлар билан яқин алоқа қилишдан сақланинг. Яқин алоқа деганда, бемор билан икки метр доирасида, у билан бир хонада ёки узоқ вақт мобайнида касал юқтирган беморга қараш зонасида индивидуал ҳимоя воситаларисиз (халат, қўлқоп, ниқоб) бўлиш тушунилади. Шунингдек, яқин алоқа бемор бўлган хонага қатнаш, касал юқтирган одамдан ажралиб чиққан суюқлик, масалан, балғам билан алоқани ўз ичига олади;
- касалликнинг илк аломатлари кузатилганда, уйда қолинг ва дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

ҲАФТА ҚАҲРАМОНЛАРИ

# УЛАР СИЗ УЧУН ТУНУ КУН ХИЗМАТДА

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

«Эркин» йўл-патруль хизмати стационар маскани пойтахтимизни мамлакатимизнинг жанубий ва ғарбий ҳудудлари билан боғловчи энг катта «дарвоза» саналади. Айни пайтда бу ерда Ички ишлар, Мудофаа ҳамда Транспорт вазирликлари, Миллий гвардия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ходимлари туну кун хизмат олиб боришяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкент шаҳрида меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органлари ва муассасалари (нодавлат ташкилотларда – иш берувчи томонидан тақдим этиладиган тегишли рухсатнома асосида) ходимлари ҳамда юк ташиш билан боғлиқ ҳолларда Тошкент шаҳрига кириш ва чиқишга рухсат берилиши қайд этилган. Шунга мувофиқ, ҳар бир транспорт воситаси, йўловчилар жиддий текширувдан ўтказилмоқда. Рухсат этилганлар пойтахтга киритилиб, рухсат этилмаганлар ортга қайтариляпти. Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ходимлари пойтахтга кириб келаётган транспорт воситаларини пешма-пеш дезинфекция қилишмоқда.

– Кеча зарур юмуш билан Янгийўлга боргандим, – дейди фуқаро Г.Хидирбоева. – Ўзим Шайхонтоҳур туманида яшайман. Ички ишлар органи ходимлари паспортимни кўриб ўтказиб юборишди. Ҳеч қандай ноқулайлик, кутиб қолиш бўлмади. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида постлар ёпилган экан, буни қўллаб-қувватлайман. Оллоҳ насиб қилса, ҳаммаси ортда қолади.







ЙПХ масканидан икки томонга ўтиб-қайтаётганларни кузатар эканмиз, баъзи фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар, дуч келаётган муаммолар юзасидан ходимларга мурожаат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Уларнинг ҳар бирига тегишли соҳа вакиллари жавоб беришмоқда, баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишяпти.

– Пойтахтга кирмоқчи бўлаётганлар орасида тиббий йўлланма билан келаётган, шошилинч ёрдамга муҳтож бўлганлар ҳам учрамоқда, – дейди Чилонзор тумани ИИОФМБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Т.Рихсиев. – Бундай вазиятда тегишли мутахассислар билан маслаҳатлашиб, уларнинг киришига рухсат берилмоқда. Энг муҳими, халқимиз буни тўғри тушуняпти.

Шу ўринда эътиборга молик факт: коронавируснинг илк ўчоғи бўлган Хитойнинг Хубей провинциясида (маъмурий маркази Ухань шаҳри) 25 мартдан бошлаб кириш, чиқиш ва умуман карантин билан боғлиқ чекловлар бекор қилинди. Бу коронавирус инфекцияси нафақат чекинди, балки бартараф этилди, деганидир. Демак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Осойишталик посбонлари, соғлиқни сақлаш ходимлари сиз учун, сизнинг соғлиғингиз, эртанги кунингиз учун кечаю кундуз хизматда. Сиз эса, зарурат бўлмаса, уйингизда қолинг, кўчага чиқманг. Бу билан вируснинг тарқалишига қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

**Ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир, хотиржамлик ярим соғликдир, сабр эса шифонинг бошланишидир.**

Абу Али ибн Сино

ИСЛОҲОТЛАР – АМАЛДА

# МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА САНОАТИ
## КОМПЛЕКСИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Дунёдаги геосиёсий вазият шиддат билан ўзгараётган бугунги вақтда ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун энг зарур асосий шарт-шароитларидан бири унинг суверинитети, хавфсизлиги ва миллий манфаатларининг кафолатли ҳимояланганлиги билан боғлиқдир. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси ва кафолати эса Қуролли Кучлардир.

Ўз навбатида Қуролли Кучларни қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника, ҳамда зарур моддий-техник воситалар билан таъминлашнинг асосий воситаси бу – мудофаа саноати комплекси ҳисобланади. Шу сабабдан, мудофаа саноати комплексини шакллантириш ва ривожлантириш, қурол ва ҳарбий техникалар яратиш ва ишлаб чиқариш, унинг илмий-техникавий ва ҳарбий-техникавий потенциали етарли даражада бўлишини таъминлаш, мавжуд муаммоларига доимий эътибор қаратиш давлатларнинг устувор ҳарбий-иқтисодий вазифалари сирасига киради.

Бу борада жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, АҚШ, Европанинг етакчи давлатлари, Россия Федерацияси, ХХР ва бошқа бир қатор давлатларда ривожланган мудофаа саноати иқтисодиётининг инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришга эга муҳим тармоғи эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу давлатларда мудофаа саноати комплекси нафақат ўз қуролли кучларини замонавий қурол-аслаҳа, техника ва жиҳозлар билан таъминлайди, балки уларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш орқали мамлакат иқтисодиётида, унинг ялпи ички маҳсулотида сезиларли улуш эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида узоқ йиллар давомида Қуролли Кучларни ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотлар билан таъминлаш асосан импорт ҳисобидан амалга оширилиб келинган. Ушбу ҳолат нафақат миллий армиямизни ҳарбий ва махсус техника, қурол-аслаҳа ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлашга халал берган, балки мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш каби стратегик йўналишда хорижий давлатларга боғланиб қолишдек ҳолатни юзага келтирган эди.

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ташаббуслари билан мамлакатимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган илоҳотлар доирасида миллий мудофаа саноати комплекси яратилди. Шунингдек, давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ҳамда мудофаа аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришга масъул бўлган давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Бугунги кунда мудофаа саноати комплекси асосини



мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари ва Қуролли Кучларимиз таркибига кирувчи вазирлик ва идораларга ҳамда хусусий секторга тегишли бўлган 200 га яқин турли корхона ва ташкилотлар ташкил этади.

Ўтган икки йил мобайнида Қўмита томонидан мамлакатимиз саноатининг ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришни таъминлаш ва миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ, жанговар техника, махсус воситалар ва айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича мақсадли ишлар бажарилмоқда.

Хорижий шериклар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича 20 дан ортиқ «Йўл харитаси» тасдиқланиб амалга оширилмоқда. Қуролли Кучлар учун ҳарбий ва икки хил мақсадда қўлланиладиган маҳсулотлар харид қилиш мақсадида тегишли шартномалар имзоланиб амалга оширилмоқда.

Ҳарбий ва икки хил мақсадда қўлланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўналишида ҳам 2018–2019 йиллар мобайнида самарали ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қўшимча 200 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шунингдек «Авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси реконструкция қилиниб, тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Бунинг натижасида корхона томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш имкони яратилди. Жумладан, вертолётларнинг таъмирланаётган жиҳозлари номенклатураси ортди, реактив самолётларни таъмирлаш ўзлаштирилмоқда. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг биринчи ярмида янги турдаги патронлар ишлаб чиқарувчи линиянинг ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда мавжуд, моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган қурол-аслаҳаларни модернизация қилиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан ялпи ўт очиш реактив тизими янги замонавий шассига ўрнатилди, транспортёрларга янги замонавий дизель двигателлар ўрнатилиб, мобил имкониятлари оширилди, танкларнинг куч бўлими тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий, катта қувватга эга двигатель ва трансмиссия агрегатлари қўйилди.

Шунингдек юк автомобиллари шассисида барча шароит ва ҳудудларда қўшинлар бошқарувини таъминлай оладиган мобил қўмондонлик бошқарув пункти, шунингдек замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ҳар қандай мураккаб тиббий амалиётларни амалга оширишга қодир тиббиёт пункти яратилди.

Ҳарбий ва икки хил мақсадда қўлланиладиган маҳсулотлар, бутловчи қисм ва жиҳозлар, энг янги материаллар ва хом-ашёларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадида Мудофаа саноати қўмитасининг Инновация технологиялари маркази ташкил этилди.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар миллий армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлашга қодир бўлган тўлақонли мудофаа саноати секторини барпо этиш учун етарли эмас. Юқорида белгиланган пировард натижаларга эришиш ҳамда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси мудофаа саноатини янада ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар режаси («Йўл харитаси») ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу режада Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда 2020 ва кейинги йилларда асосий эътибор Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадли маҳсулот турлари ва номенклатурасини кўпайтиришга, корхоналарга турли имтиёзлар яратган ҳолда, маҳсулотлар таннархини тушириш ва уларнинг экспортбоплигини оширишга қаратилади.





**Кутбидин БУРХАНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



# ДУНЁНИ «ТИТРАТГАН» ВИРУС

## Коронавирус мавзуси ҳамон «мода»да

Кишилик тарихидан жуда кўп юқумли касалликлар, эпидемиялар фанга маълум. Жаҳон халқлари ўлат, вабо каби қирғинбаротларни ҳам сабр билан енгиб ўтган, чора топган. Бир қатор касалликлар вақт силсиласидан ўтган сайин унга даво топилиб, турли вакциналар ишлаб чиқилган. Бироқ бугунги дунё манзараси коронавирус аталмиш пандемия билан чалкашиб кетди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуси ҳар куни ушбу «қотил» вирус билан бонг урмоқда. Дунёни титратиб, забтига олган коронавирус мавзуси ҳамон «мода»да.

Хитойлик мутахассислар вирус одамдан одамга ҳаво орқали ўтишини тасдиқлашди. Беморларга хизмат кўсатаётган тиббиёт ходимларининг мазкур вирус билан хасталанганлиги ҳам унинг юқумли эканлигини исботлади.

Айни пайтда вирус билан хасталанган беморлар сони кун сайин ошмоқда. Бугунги кунга келиб у 200 та мамлакатда тарқалди. Дунё бўйича касалланганлар сони эса 417 минг нафардан ошди, 18605 ўлим ҳолати қайд этилди. Айниқса, Италия давлатида ўлим ҳолати бўйича юқори кўрсаткич қайд этилмоқда: 6820 нафардан зиёд инсон «қотил вирус» қурбони бўлди. 108 мингдан зиёд бемор тузалди. Эпидемия кенг тарқалганлиги сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни **пандемия (юқумли касалликнинг бир мамлакат, бир неча мамлакат, қитъа ёки континентда тарқалиши)** деб эълон қилди. Афсуски, бу юқумли касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади.

## Вазият тўғри баҳоланди

Вазият олдиндан тўғри баҳоланиб, Президентимиз топшириғига кўра, махсус комиссия тузилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан ўтказилган матбуот анжуманида вирусга қарши мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, жорий ҳолат, вирусга чалинган фуқаро ва карантинга олинган шахслар ҳамда аниқ режалар айтилди. Жумладан, барча таълим муассасаларида таътил эълон қилинди. Талабалар марказлашган ҳолда уйларига жўнатилди. Ҳар бир ҳудудда ҳокимликлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан авиа ва автомобиль қатновлари, оммавий тадбирлар, шунингдек, пойтахтимизда жамоат транспорти вақтинча тўхтатилди. Кўплаб корхона ва ташкилотларда ходимлар учун махсус автобуслар ташкил этилди. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилмоқда. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрликлари туфайли чет элдаги фуқароларимизни чартер рейслар орқали мамлакатимизга олиб келиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, коронавирус пандемияси аниқланган ва тарқалган ҳудудлардан бугунги кунга келиб юзлаб юртдошларимиз махсус чартер рейслар орқали мамлакатимизга барча санитария-эпидемиология талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб келинди. Улар республика ҳудудларида ташкил этилган тўлиқ карантин талаблари асосида жиҳозланган махсус муассасаларга жойлаштирилди.

## Ишонч ва самарали чоралар

Коронавируснинг олдини олиш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида кўрилаётган чора-тадбирлар халқимизга куч ва ишонч бермоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида алоҳида топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар, экспортёрлардан аниқ ва самарали чоралар кутаётганлигини, шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур эканини таъкидлади.

Шунингдек, ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентимиз "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

Фармонга биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилади. Молия вазирлиги учун биринчи топшириқ, мана шу 10 триллион сўм жамғарма ресурсларини тезда шакллантириш белгиланди.

## Ваҳимага ҳожат йўқ

Тиб илмининг султони Ибн Сино «Ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир. Хотиржамлик ярим соғлиқдир. Сабр эса шифонинг бошланишидир» деган эди.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тўғри тушунмаган айрим ҳамюртларимиз ваҳимага берилиб, истеъмол маҳсулотларини ғамлашга тушишгани, озиқ-овқат етишмовчилиги ҳақидаги қўрқув пайдо қилгани ачинарли ҳолдир.

Аҳоли ўртасида ваҳима ва саросимага йўл қўймаслик энг устувор йўналишлардан биридир. Шу боис, биз қатъий интизомга риоя қилиб, ўзгаларнинг хатоларидан, тарихда ваҳима сабаб келиб чиққан йўқотишлардан керакли хулоса чиқаришимиз зарур. Зотан, халқимизда «Душмандан қўрқма, ваҳимадан қўрқ» деган мақол бежиз айтилмаган.

## «Меҳр-оқибат бор бўлсин!»

Юртимиз аҳли учун синовли давр бошланган мана шу дамларда «Ётиб қолгунча отиб қол» дегувчи «тадбиркорлар» ҳам орамизда йўқ эмас. Энг







ачинарлиси, улар юрт бошига иш тушганда эл дардига дармон бўлиш ўрнига, халқни қийин аҳволга солиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли дори воситалари ҳамда вирусдан ҳимояланувчи ниқобларни сотиш ёки йўлкира нархларини сунъий равишда ошириш пайида бўлаётир. Бу каби «тадбиркорлар»да ҳалоллик очкўзлик ниқобига айланиб бормоқда. Зеро, Саъдий бобомиз шундай дейди:

*Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,*
*Ҳикмат сўзи билан тузалмас иши.*

Аммо мард, танти ва меҳнаткаш халқимиз орасида саховатпеша, ҳалол инсонлар борки, улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бошкентимиз бозорларида ҳамда вилоятларда савдо-сотиқ ва харид мақсадида тиббий ниқобларсиз келган барча фуқароларга бозор маъмурияти томонидан ниқоб, стерилланган қўлқоп ва бошқа гигиена воситалари бепул тарқатилмоқда.

Худди шунингдек, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ҳам бепул тиббий ниқоблар акцияси ўтказилгани ёки Жиззах вилоятидаги новвойхонада «Бизда коронавирус нархга таъсир қилмайди!» деган ёзувлар тўғрисидаги ҳолат акс этган суратлар бирин-кетин ижтимоий тармоқларда тарқалаётганлиги қувончлидир.

## Қатъий тартиб ва жавобгарлик

Ҳукумат жамоатчиликни коронавирус бўйича асоссиз маълумот тарқатганларга қатъий чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирди. Миллий қонунчилигимизда ваҳима тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик мавжудлиги ана шундай ҳаракатларни ўйлаб ёки ўйламай содир қилганларни яна бир бор хушёрликка чақиришга умид қиламиз.

Хусусан, аҳоли орасида ваҳима чақиришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш 44 млн. 600 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумот ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш 66 млн. 900 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача миқдорда жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, 25 мартдан бошлаб жамоат жойларида шахсий ҳимоя воситалари (ниқоб)сиз бўлган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари (223 минг сўм) миқдорида, мазкур ҳолат яна қайтариладиган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари (669 минг сўм) миқдорида жарима қўлланилади.

Ходим ва ишчилар ўз иш жойида шахсий ҳимоя воситалари (ниқоб) да бўлиши талаб этилди, шунингдек, карантин чораларини бузганларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий чоралар қўлланилади.

## «Мен сиз учун ишда қолдим, Сиз биз учун уйда қолинг!»

Қийин вазиятда албатта ташаббус, назорат ва барқарорликни қўлга оладиган қатлам бўлиши лозим. Давлат хизматчилари ва тиббиёт ходимлари ана шундай машаққатга доим тайёр туришибди. Зотан, улар ўз хизмат вазифаларига фидойиларча ёндашиш билан бирга, жамиятда бошқаларга намуна кўрсатиб, юксак ахлоқий фазилатларини намойиш этишмоқда.

Юртимиз аҳли учун шундай синовли даврда ўзининг беминнат хизмати билан халқимиз меҳрини қозонаётган касб эгалари зиммасидаги масъулиятни янада ошириб, ҳар куни, керак бўлса, ҳар дақиқада ибрат кўрсатмоқда. Айни вазиятдан келиб чиқиб, коронавирус инфекциясига чалинган ёки гумон қилинганларга биринчи бўлиб, тиббиёт ходимлари рўбарў келишади. Касбига садоқатли саломатлик посбонлари беморларни тиббий кузатувга олиб, зудлик билан даволаш чораларини кўришмоқда. Мана шундай фидойилик ва қаҳрамонликка дунё халқлари қатори, ватандошларимиз ҳам гувоҳ бўлишмоқда ва эътироф этишмоқда. Шифокорларимиз ва ички ишлар органлари томонидан уюштирилаётган «Мен сиз учун ишда қолдим, сиз мен учун уйда қолинг!» челленжи аҳолининг меҳри ва эътирофига сазовор бўлди. Карантинга олинган беморлар хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ҳамда барқарорликни сақлашда улар бор куч ва ғайратини аямаётир. Юртимизнинг мана шундай фидойилари янада кўпаяверсин!

Бернора САДИКОВА,
полковник.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ФАҚАТ ОЛҒА!

**Машҳур саркарда Суворов «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади» деган эди. Шунга ўхшаб, амалиётда қийинчиликларга чидалса, хизматда осон кечар экан. Бунга капитан Обид Кунгуров ўз ҳаёти мисолида ишонч ҳосил қилди.**



У ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўқиб юрган кезлари Қоровул қўшинларида амалиёт ўташ жараёнида қийналган кезлари бўлган. Таълим муассасасини битириб, ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7531-ҳарбий қисмда гуруҳ командири сифатида хизмат фаолиятини бошлаганида бир пайтлар машаққат чекиб орттирган амалий кўникмалари жуда-жуда асқатади. Фориш туманида туғилиб вояга етган интилувчан бу йигитни орадан икки йил ўтиб взвод командири этиб тайинлашди.

У билдирилган ишончни оқлади. 2018 йилда Қуролли Кучлар тизимида ўтказилган «Энг илғор касб мутахассиси» кўрик-танловида «Энг илғор взвод командири» номинациясида ИИВ Қоровул қўшинлари бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади. Тўсиқлар оша ҳаракатланиш, 100 метрга ва 3 километрга югуриш, ўқ отиш, тактик тайёргарлик шартларини ўз ичига олган ушбу кўрик-танлов номинациясида энг яхши кўрсаткичга эришди. 2019 йилда яна мазкур кўрик-танловда «Энг илғор взвод командири» номинациясида Қоровул қўшинлари тизимида тенгсиз эканлигини исботлади.

Шунингдек, «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан ўтказилган 10 километрга югуриш эстафетасида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

У етакчилик қилаётган взвод ҳарбий қисмнинг энг пешқадам бўлинмаларидан ҳисобланади. Шахсий таркиб жанговар ва хизмат тайёргарлиги бўйича мақтанса арзигулик ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Взводда мустаҳкам ҳарбий интизомга эришилган. Бу, аввваламбор, капитан Обид Кунгуровнинг саъй-ҳаракатлари самараси. Қолаверса, қўл остидагилари ўз командиридан ўрнак олишга интилишади.

Лавҳамиз қаҳрамони ҳаётида муваффақиятларга эришган, мукофотларни қабул қилиб олаётган лаҳзалари акс этган суратларни асраб-авайлаб сақлайди. «Келажакда фарзандларим оилавий альбомимизни варақлаётиб, ушбу суратларга кўзи тушганда, мен билан фахрланса, отасига ўхшашга интилса», деб ният қилади. «Яхши ният – ярим давлат» дейишади. Балки, ушбу мақола газетамизда чоп этилганида, капитан Обид Кунгуровнинг фарзандлари уни ўқиб, ҳозирданоқ отасига ҳавас қилса ажабмас. Зеро, ҳамиша фақат олға интилувчи ота билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

**Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда шу юртга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида март ойининг бошида Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 3-сонли умумтаълим мактабида кенг қамровли профилактика тадбири ташкил этилди. Вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда ёш авлод вакиллари фаол иштирок этишди.**

# ДИЛЛАР ВАТАН ИШҚИДА ЁНСА...



– Бу каби тадбирлар ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳарбий соҳага қизиққан ўсмирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда бундай тарғиботларнинг алоҳида ўрни бор. Биз мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтиришни мақсад қилганмиз. Ишонаманки, бу, албатта, келажакда ўзининг ижобий натижасини бериб, ҳудудларда криминоген вазиятни яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, – дейди вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник У. Адизов.

Айни шундай кенг қамровли тарғибот тадбири Навоий шаҳридаги 11-сонли умутаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Тадбир давомида ўқувчи ёшларга вилоят ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди махсус гуруҳи, кинология хизмати ходимлари томонидан қизиқарли кўргазмали чиқишлар намойиш қилинди.

– Бугунги тадбир таъсирида ёшларимизнинг ҳарбий соҳага қизиқишлари янада ортди. Айниқса, ҳарбий қурол-аслаҳалар ҳамда техникалар намойиши ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Биз нафақат шаҳар ҳудудида, балки вилоятнинг олис қишлоқларида ҳам бундай тарғибот тадбирларини ўтказишни режалаштирганмиз, – дейди вилоят ИИБ ҳарбий сафарбарлик бўлими бошлиғи, капитан Ш. Ражабов.

Шунингдек, тадбир давомида кинология хизмати ходимлари томонидан хизмат итлари ёрдамида гиёҳвандлик воситалари ва портловчи моддаларни аниқлаш, шартли жиноятчини қўлга олиш бўйича кўргазмали чиқишлар ҳам намойиш этилди.

Ҳа, бундай тадбирлар ёш кўнгилларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтириши шубҳасиз. Диллар Ватан ишқи билан ёнса, кишини эзгу ишларга чорлайверади.

**Ўктам УСМОНОВ,**
**Навоий вилояти ИИБ Ахборот хизмати бошлиғи, лейтенант.**

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГА КУРАШАМИЗ

# ИККИ «ШОВВОЗ» – ИККИ ЖИНОЯТ

**Ҳаёт доим бир текисда давом этмайди. Унинг сўқмоқларида адашган киши борки, қайта ўзини ўнглаши қийин кечади. Баъзан осонини афзал билиб, эгри йўлдан юраркан, буни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайди. Таассуфки, бу тоифадаги инсонлар ҳар қанча пинҳона ҳаракат қилмасин, барибир кирдикорлари фош этилишини, кўза кунида синишини анча кеч англаб етади.**

Касби тумани «Хўжаҳайрон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи С. Х. тадбиркорликнинг ноқонуний йўлини танлади. У сомонхонасига кўлбола жувоз ўрнатди. Пахта чигитини қайта ишлаб, ёғ, чиқитидан кунжара ишлаб чиқарарди.

Бу ҳолатдан ҳуқуқ-тартибот идоралари хабар топгач, С. Х.га нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб боришга киришилади.

Вазият бу даражада жиддийлашиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган С. Х. яна ўзи тўғри деб билган ишни қилишга жазм этди. Туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими бошлиғи, майор Алишер Муҳаммадиевнинг саволларига жавоб қайтараркан, гап орасида агар жиноят ишини «босди-босди» қилиб берса, рози қилишини қистириб ўтди. Бу борада майор ўйлаб кўриш кераклигини, кейинги гал келганда жавобини айтишини билдирди...

«Келишув»га кўра, жорий йилнинг 3 февраль куни соат тахминан 21:30 ларда Ички ишлар бўлимига келган С. Х. майор А. Муҳаммадиевга 7 миллион 500 минг сўм ва 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулни пора тариқасида берган вақтда туман прокуратураси ҳамда ИИВ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Қашқадарё вилояти бўйича бўлими тезкор вакиллари томонидан қўлга олинди.



Бундан олти йил муқаддам ноқонуний хатти-ҳаракати учун фуқаро Н. С. суд ҳукмига кўра тегишли жазога тортилганди. У бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб, ҳалол меҳнат эвазига рўзғор тебратиш ўрнига, уззукун бекорчиликка одатланди. Бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан бир неча марта иш таклиф этилганига қарамасдан, фойдали меҳнат билан шуғулланишга бўйни ёр бермади. Натижада туман ИИБ 7-сонли ички ишлар бўлинмаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи профилактика инспектори, лейтенант Холбек Қаршиев томонидан унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш мақсадида туман судига тақдимнома киритиш учун ҳужжатлар жамланди.

Ҳолатдан хабар топган Н. С. профилактика инспекторига учрашиб, ишни енгиллатиш, ҳужжатларни судга тақдим этмаслиги учун пора таклиф қилди. Лейтенант Холбек Қаршиев ўйлаб кўришини айтди ва қасамёдига содиқ қолиб бу ҳақда вилоят ИИБ бошлиғи номига билдирги ёзди.

Жорий йилнинг 6 февраль куни Н. С. Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида жойлашган 388-сонли таянч пунктига келиб, лейтенант Х. Қаршиевга 100 АҚШ долларини пора тариқасида бераётганида қўлга олинди.

Начора, билмай босдим тиконни, тортадурман жабрини, деганларидек, ҳар иккала ҳолатда ҳам айбига айб қўшилган «шоввозлар» эндиликда бир эмас, икки жиноят учун жавоб бериши тайин.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

НАВРЎЗДА ТУҒИЛГАНЛАР

# ОТАМ МЕНИНГ ФАХРИМДИР

**Отам, Наўризбай Таўмуратов 1931 йил 21 март куни Қўнғирот туманида таваллуд топган. Айтишларича, ўша йиллари Наврўз байрамида овулларда гўжа тарқатиш, отлар пойгаси, улоқ, кураш каби турли тадбирлар ўтказилар экан. Отам айнан шу куни туғилгани учун овулнинг улуғлари «фарзанд ўз исми билан туғилди, унга Наўризбай деб исм қўйиш керак», дейишган экан.**



Унинг болалиги оғир даврларга тўғри келиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортидаги хизмати билан ғалабага ўз ҳиссасини қўшган. Урушдан сўнг маълум муддат қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Тошкент шаҳридаги Махсус милиция мактабини тугатиб келгач, дастлабки хизмат фаолиятини Нукус шаҳар ИИБда давлат мулкини талон-торож қилишга қарши курашиш бўлими инспектори лавозимидан бошлайди.

Тизимдаги 34 йиллик меҳнат фаолияти давомида ушбу бўлим бошлиғи, Нукус шаҳри, Қўнғирот, Тахиатош туман ИИБ бошлиғи каби масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилиб, 1986 йили подполковник унвонида пенсияга чиқди.

Отам нафақага чиққани билан бекор ўтирмади, бир қатор шаҳар ва туман архивларида олиб борган изланишлари натижасида ички ишлар тизимига оид номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Шунингдек, унинг муаллифлигида Қорақалпоғистонда ички ишлар тизимининг шаклланиши ва тарихи бўйича олтита китоб нашрдан чиқди. Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлиги қошида музей ташкил этилишида фаол иштирок этди. Ҳозирги кунда Фахрийлар кенгаши раиси бўлиш билан бирга, вазирлик музейининг катта илмий ходими сифатида уни зарур экспонатлар, тарихий ҳужжатлар билан бойитилишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Отамнинг ҳаёт йўли биз фарзандларга ҳам ўрнак бўлиб, айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасини танлашимизга турткі берди. Оиламиздаги 10 нафар фарзанддан икки нафари ички ишлар тизимидан пенсияга чиққан бўлса, мен ҳозирда Миллий гвардия сафида хизмат қиляпман. Онамиз, Раҳима Таўмуратова ўқитувчи бўлгани боис оиламизда ана шу касбни танлаганлар ҳам бор.

Шундай инсоннинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Отам бу йил 89 ёшни қарши олмоқда, шу ёшда ҳам тетик ва руҳан кучли. Зарур пайтда энг яқин маслаҳатчим ҳамдир.

***Ажинияз ТАЎМУРАТОВ,***
**Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Қўриқлаш бўлими ходими, сержант.**

# Его имя – праздник!

**В рядах органов внутренних дел есть немало сотрудников, носящих имя Навруз. Уроженца Каттакурганского района Самаркандской области старшего дежурного-инспектора Оперативной дежурной части ОВД № 5 УКД ОВД Бектемирского района старшего лейтенанта Навруза Намозова назвали в честь полковника в отставке Навруза Лазизова, который является другом семьи Намозовых.**

– Мой отец, Абдусалим Намозов, хотел, чтобы я походил на Навруз ака Лазизова, который много лет самоотверженно служил в различных подразделениях органов внутренних дел, вносил вклад в дело охраны общественного порядка и в звании полковника вышел на заслуженный отдых.



Я родился 21 июня 1988 года, но так как меня зовут Навруз, многие думают, что день моего рождения 21 марта. Практически все мои сослуживцы и друзья поздравляют меня в этот день (смеется).

Старший лейтенант Навруз Намозов после окончания факультета экономики Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, по наставлению отца решил посвятить свою жизнь служению Родине. Вот уже 8 лет как он служит в органах внутренних дел. А начинал инспектором организационного отдела УКД ОВД Бектемирского района, работал в службе профилактики и оперативной дежурной части УКД ОВД Сергелийского района.

Навруз Намозов следит за общественным порядком на территории Бектемирского района и добивается положительных результатов в деле предупреждения правонарушений и преступлений.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

# «МЕН УЧУН ҚЎШАЛОҚ ХУРСАНДЧИЛИК»

Ёшлигидан ҳарбийликни орзу қилган Наврўзбек 2007 йилда ҳужжатларини ички ишлар органига топширди ва шу йилдан эътиборан қўриқлаш хизмати йўналишида фаолият юрита бошлади. Устозларидан касб сирларини ўрганди, осойишталик посбони деган шарафли номга эга бўлди. Шу эътирофга муносиб бўлиш учун хизматда ўзини кўрсатди. 2010 йилдан у Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадасида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга киришди.



2019 йилнинг феврал ойидан Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ Йўл-патруль бригадаси 4-батальон 4-сафарбарлик гуруҳи инспектори лавозимига ўтказилди. Ҳозирда ушбу хизматда сидқидилдан хизмат қилиб, ўзига юклатилган вазифани виждонан бажармоқда.

– Наврўз халқимизнинг энг севимли байрами. Исмим шу кун билан боғлиқ бўлганлигидан фахрланаман, – дейди у. – Юртимиздаги барча инсонлар кўкламга эсон-омон етиб олишгани, Наврўз айёмининг кириб келиши билан бир-бирини табриклайди, ўйин-кулгу қилади. Мен учун эса бу кун қўшалоқ хурсандчиликдир.

**Ўз мухбиримиз.**

**20 марта 1990 года в семье рабочих Канлыкульского района Республики Каракалпакстан Мадияр ака и его супруги Генжегул родилась первая дочка. Выбирали имя всей семьей. Сестра Мадияр ака, Зиёда, сказала, что девочка появилась на свет накануне праздника весны и обновления, значит, девочку нужно назвать Наврузой. Все родственники одобрили предложение.**

# НАВРУЗА РОДИЛАСЬ В НАВРУЗ



Во время учебы в районной школе № 37 Навруза отличалась от сверстников твердым характером и находчивостью, занималась каратэ, что придавало ей еще большую уверенность в себе.

На одно из школьных собраний пришел сотрудник органов внутренних дел. Его стильная форменная одежда, спокойный, и в то же время уверенный голос поразили Наврузу, и она решила в будущем выбрать профессию стража порядка. После окончания школы девушка сдала документы в Академию Министерства внутренних дел, но поступить не смогла. Это не остановило ее: она подготовилась, успешно прошла испытания, став первой среди 16 кандидаток, и поступила на работу в органы внутренних дел.

Службу начала рядовой отделения ППС на Ургенчском железнодорожном вокзале подразделения по обеспечению безопасности на транспорте, затем работала в отделении охраны при Кунградском РОВД, в ППС Хорезмской области и контролером отдела пропаганды и охраны следственного изолятора № 11 при УВД Хорезмской области. С 2020 года она – младший инспектор в колонии-поселении № 27 УИН МВД Республики Каракалпакстан.

– Обычно люди интересуются, почему мне дали такое имя. Да, среди каракалпаков редко встречается имя Навруза, но это даже хорошо, – говорит она шутя. – У меня есть мечта: поступить в Академию МВД и работать следователем. Я уверена, что она обязательно сбудется. Супруг Сухроб во всем поддерживает меня.

Пришла весна, а с ней и Навруз. Хочу поздравить всех соотечественников с праздником, пожелать исполнения желаний, счастья и уверенности в будущем.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Республика Каракалпакстан.*

К 75-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

# Мы помним их поименно...

**С каждым годом редеют ряды ветеранов Второй мировой войны. Те, кому в победном, 1945 году, было всего 18 лет, сейчас седовласые аксакалы. Многих нет с нами, но память о них жива.**

Несколько лет назад ушел из жизни ветеран войны и органов внутренних дел подполковник Акмал Ашрапович Газиев.

Уроженец Ташкентской области, в 17 лет он добровольцем ушел на фронт. Сначала новобранца вместе со сверстниками отправили в Россию, затем – на поле боя в составе стрелкового пулеметного полка. После окончания краткосрочных курсов по подготовке младших командиров лейтенант А. Газиев участвовал в кровопролитных боях. Был тяжело ранен, долго лечился в госпитале и снова вернулся в строй.

Я не раз брал интервью у ветерана, и вот что он рассказывал: «Война – это настоящая бойня. Мы, молодые солдаты, конечно, были обучены обращению с оружием, морально подготовлены, но то, с чем нам пришлось столкнуться, не укладывалось в голове. Постоянные бомбежки, гибель товарищей, с которыми ты еще пару часов назад шутил и курил самокрутки. Я пережил много атак, поэтому не люблю тишину. Всегда так было: бомбят-бомбят, а потом обманчивая, гнетущая тишина. Но ты знаешь, что это еще не конец. Через время в небе снова появляются истребители, и вновь начинается пальба... Спасала музыка, я ведь с детства ее любил. Подпевал что-нибудь себе под нос, так как громко нельзя было.

После демобилизации фронтовик вернулся домой. Его направили на службу в органы внутренних дел. Капитан А. Газиев служил в системе исполнения наказаний в Каракалпакстане, Наманганской и Андижанской областях. Акмал ака долгие годы служил начальником отдела охраны Андижанского ГОВД. После выхода на заслуженный отдых активно участвовал в ветеранском движении, устраивал встречи с молодыми сотрудниками, делился опытом, рассказывал о своем жизненном пути.

Многолетний и добросовестный труд ветерана войны и органов внутренних дел был отмечен многими наградами. Но самой главной, как признавался он сам, было уважение людей.

Вместе с супругой, Зинаидой Евдокимовной, с которой прожили в любви и согласии 65 лет, они воспитали троих сыновей. В большой семье Газиевых – 12 внуков и 5 правнуков.

Акмал ака всегда был оптимистом, никогда не терял бодрости духа, любил пошутить и вставить острое словцо. На все случаи жизни у него были в запасе крылатые выражения.

Он часто приходил в УВД Андижанской области, причем пешком: 5 километров в одну сторону и 5 – в другую. «Когда я лечился в госпитале после тяжелого ранения, лечащий врач сказал: «Если хочешь жить, каждый день ходи пешком, – говорил Акмал ака. – Вот, хожу, хоть мне и исполнилось 90 лет».

– Мы прожили долгую и счастливую жизнь, – говорит вдова Акмала Ашраповича Зинаида Евдокимова. – Муж служил, я работала швеей-мотористкой. Воспитали достойных сыновей, понимали друг друга с полуслова. Самым его любимым праздником было 9 Мая. В этот день он доставал фотографии военных лет и вспоминал своих однополчан. Его часто приглашали на встречи ветеранов войны на Малую землю, в Новороссийск. Ездил, пока здоровье позволяло. Правда, приезжал грустный, говорил, что многих уже нет…



Нам трудно представить те чувства, которые испытал подполковник Акмал Газиев. Мы не смотрели смерти в глаза. Но мы не имеем права забывать тех, кому обязаны жизнью. Никакими словами нельзя выразить им нашу благодарность. В память о героях мы обязаны хранить мир на планете, в родной стране, охранять покой наших сограждан.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
***На снимке:*** *А. Газиев, 1960-е годы.*
**Фото из семейного архива.**
*Андижанская область.*

22 МАРТА – ДЕНЬ РАБОТНИКОВ СИСТЕМЫ МАХАЛЛИ

# Найти ключ к сердцам людей

## С ЭТОГО ГОДА РАБОТНИКИ МАХАЛЛИ ОТМЕЧАЮТ СВОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ ПРАЗДНИК

В каждой махалле, в зависимости от ее криминогенной обстановки и численности населения, несет службу как минимум один инспектор профилактики, отмечается в Указе Президента «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами» от 18 февраля 2020 года.

В соответствии с этим, в Управлении профилактики правонарушений УВД Самаркандской области началась кадровая реформа. Стоит сказать, что в области насчитывается 1 096 махаллей, а инспекторов профилактики – всего 665. Правда, за каждым из них закреплены помощники. С расширением города в области появилось еще девять новых махаллей.

– В управлении открылась 431 вакансия на должность инспектора профилактики, – рассказывает начальник отделения УПП УВД Самаркандской области капитан Дилмурод Курбонов. – Отбор будет осуществляться на конкурсной основе руководством управления. Несомненно, приоритет за помощниками инспекторов, которые уже работают с ними. При этом немаловажно наличие высшего образования. Новые



инспектора профилактики будут назначаться сроком на 5 лет.

С начала года инспекторами профилактики УПП было раскрыто 25 преступлений, 16 из которых – кражи, 4 – тяжкие телесные повреждения. Ими были найдены четыре человека, находящихся в розыске, и один без вести пропавший мужчина.

Не секрет, что в последнее время увеличивается количество краж, случаев мошенничества. Анализируя причины мошенничества, можно сделать вывод, что «виноваты» безразличие, доверчивость, незнание законов, несвоевременное обращение в соответствующие государственные органы.

Инспектора профилактики на местах должны изучать социально-демографические показатели, состояние преступности в динамике, ее виды, причины и условия совершения преступлений. Проанализировав полученные факты, они должны принять необходимые меры для устранения недочетов. Отдельное внимание следует уделять обеспечению занятости неорганизованной части молодежи, выпускников образовательных учреждений.

– С начала года в качестве эксперимента ввели новую комплексную модель профилактики, которая выявляет проблемы и намечает пути их решения, – продолжает разговор Д. Курбонов. – Профилактику мы начали с изучения проживающих на закрепленной территории лиц, с последующим индивидуальным диагностированием каждого из них на предмет возможного антисоциального или иного противоправного поведения, с принятием действенных мер профилактического характера. Для оказания помощи одиноким престарелым и людям с инвалидностью наладили с ними тесный контакт, а также ввели обязательный медицинский осмотр лиц, приехавших из-за рубежа.

Конечно, один инспектор не в силах обеспечить стабильный общественный порядок на участке. Только работа в тесном контакте с добровольными помощниками и жителями может быть залогом успеха.

Сила инспектора профилактики в его авторитете и уважении среди населения участка. А авторитет и уважение необходимо заслужить справедливостью, строгим следованием букве закона, умением найти путь к сердцу каждого жителя вверенного участка.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

# ШОГИРДЛАРИ АРДОҒИДА

**Ички ишлар органларида узоқ йиллар хизмат қилиб, айни дамда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳар қанча эҳтиромга лойиқ. Улар куч-қуввати, билим ва тажрибасини юрт тинчлиги ҳамда фаровонлиги йўлида сарф этишган.**

Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи, ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги майор Мягзура Сейфуллина айни кунда 96 ёшни қаршиламоқда. Онахон умрининг асосий қисмини эл-юрт осойишталигини асрашдек савобли юмушга бахшида этган. У оддий ходим сифатида иш бошлаб, турли лавозимларда самарали хизмат қилган ва минглаб шогирдларни етиштирган.

Онасига ҳавас қилиб, ички ишлар органларига кирган Рашида Муҳаммаджонова ҳам кўп йил эл-юртга наф келтирди. У Фарғона вилояти ИИБ ахборот марказида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, марказ бошлиғи даражасига кўтарилди, полковник унвони билан нафақага чиқди.

– Онам биринчи устозимдир, – дейди истеъфодаги полковник Рашида Муҳаммаджонова. – У кишига ҳавас қилиб шу соҳани танлаганман. Хизмат фаолиятим давомида ҳам онамнинг маслаҳат ва ўгитларига доим қулоқ тутиб, кам бўлмадим. Шу боис унга ҳам она, ҳам устоз сифатида меҳр қўйганман ва ҳамон ардоқлаб келаман.

Истеъфодаги майор Мягзура Сейфуллина юз билан юзлашаётган бўлса-да, ҳамон тетик ва бардам. Шогирдлари ардоғида, фарзанд ва набиралари бағрида кексалик гаштини суриб, юртимиздаги тинчлик-омонликнинг барадавом бўлишини сўраб дуо қилади.

**Ўз мухбиримиз.**



ФАХРИЙИМИЗ МАҲАЛЛА ФАОЛИ

# АЛЬБОМДА МУҲРЛАНГАН СУРАТЛАР

**Баҳорнинг илиқ куни. Ҳовлидаги курсида ўтирган ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Жонузоқ Турдимуродов фотоальбом варақлаётир. Мана бу оқ-қора суратда онаси, икки опаси ва икки акаси жилмайиб туришибди. Ўртада турган ўзи эса нима учундир жиддий.**



Суратга тикилар экан, бобонинг кўз ўнгида болалиги гавдаланди. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллардаги кўргиликларни отасидан эрта етим қолган Жонузоқ ҳеч қачон унутолмайди. Очлик туфайли ҳаётдан кўз юмган икки синглиси хотирасидан ўчиши мумкинми? Беш боласига борлиғини бағишлаган муштипар волидаси-чи?..

Бу фотосурат эса 1960 йилда олинган. Бироз хира тортган қоғозда ички ишлар органлари тизимидаги Қоровул қўшинларида ҳарбий хизматни ўтаётган Жонузоқ Турдимуродов ва унинг икки сафдоши акс этган. Айтганча, ҳарбий хизмат унинг ҳаётида улкан бурилиш ясади. Айни шу йиллари қалбида қонун ҳимоячиси бўлиш орзуси уйғонган.

Хизматдан қайтгач, Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимига ишга кирди. 1964–1966 йилларда Марказий Осиёда ягона бўлган ИИВ ўрта махсус милиция мактабида таълим олди. Ўқишдан қайтгач, Жиззах шаҳар ИИБ давлат мулкини талон-торож этишга қарши курашиш бўлимига раҳбарлик қила бошлади.

Соҳага 30 йиллик умрини бағишлаган Жонузоқ Турдимуродов 1993 йили подполковник унвони билан пенсияга чиқди. Аммо бекор ўтира олмади, 3 йил вилоят солиқ бошқармасида махсус назорат бўлимига раҳбарлик қилди. Кейин яна ички ишлар органлари тизимига қайтди. Аниқроғи, вилоят ИИБ фахрийлар кенгашига раислик қилди. Бу даврда бошқарма қошида музей ташкил этилишига бош-қош бўлди, уйида ҳам 500 га яқин турли тарихий ашёлар, ҳужжатлар ва фотосуратлар жамланган музейни юзага келтирган.

Ўйлаб кўрса, ёши саксонни қораласа ҳам, тиниб-тинчимабди. Жумладан, Жиззах шаҳрида фуқаролар йиғинларининг «Фидойилар гуруҳи»га узоқ йиллар раҳбарлик қилди. Айни вақтда эса ўзи туғилиб ўсган Шароф Рашидов туманидаги «Қангли» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.

Жонузоқ Турдимуродов яна шунга қувонадики, унинг меҳнати ҳамиша қадр топди. У 9 та медаль ва 9 та кўкрак нишони билан тақдирланган. 2017 йилда эса Президентимиз қарори асосида унга II даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони топширилди.

Отахон турмуш ўртоғи Фотима момо билан бирга 5 нафар фарзандни улғайтирди. 17 набираси, 9 чевараси бор. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишяпти. Ўғли Мансур Турдимуродов эса ота изидан борди, дастлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, сўнгра жиноят қидирув соҳасида ишлади. Истеъфодаги майор Мансур Турдимуродов ҳозирда вилоятнинг Янгиобод туманида адлия бўлимига раҳбарлик қилаётир.

Жонузоқ Турдимуродов ёшликдаги одатларини қўймаган: кўп китоб ўқийди, 1,5 минг адабиётга эга кутубхонаси бор. Шунингдек, дутор чалиб, қўшиқ хиргойи қилади. Фақат илгаригидек ўланлар айтмайди, мумтоз қўшиқларга меҳр қўйган.

Уйидаги музейига келиб турадиган мактаб ўқувчиларига тарихдан сўзлаб беришни ёқтиради. Ора-сира эски фотоальбомини варақлаб туради. Бугун ҳам фотосуратларни томоша қилганича ўтмишни ёдга олди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

**Суратда:** Жонузоқ Турдимуродов турмуш ўртоғи Фотима Турдимуродова билан.

*P.S. Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ, маҳалла институтининг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб ҳамда соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 22 март «Маҳалла тизими ходимлари куни» деб эълон қилинди.*

*Бугунги кунда профилактика инспекторлари маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари сифатида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизимни йўлга қўйиш, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.*

*Фурсатдан фойдаланиб, мазкур тизимда фаолият олиб бораётган барча фидойиларни ушбу сана билан муборакбод этамиз.*

ХОТИРА – АБАДИЙ, ЖАСОРАТ – МАНГУ

**У оилада кенжа эди. Шунгами, ҳамиша, ҳаммага суюмли бўлди. Дам дадасининг елкасида, дам онасининг қўйнида болалик – пошшолик завқини сурди. Оилада қанчалик ардоқланган бўлса, шу қадар масъулиятни ҳис қилиб улғайди. Сўнг Фарғона ҳарбий техника йўналишидаги академик лицейда ўқишни танлади. Ота-онаси унинг орзулари рўёби учун дуо қилишди. Болалигидан бошқаларга ёрдам қўлини чўзувчи, кўпнинг оғирига елка тутувчи бўлгани учун «Эл хизматини танладим», деган қарори кўпчиликка янгилик бўлмаган эди. Хуллас, 2015 йилда лицейни тамомлаб, Қуролли Кучлар сафида йигитлик бурчини ўташга отланди.**

# ҚАЛБЛАРДА ҚЎЙИЛГАН МЕҲР ҲАЙКАЛИ

Армия уни янада тобладди, аҳдини қатъийлаштириб, оиласи бағрига ҳақиқий ўғлон бўлиб қайтди. Авваллари акаси ва дадаси сингари автомашиналар устаси бўлишни тасаввур этарди, аммо хизматдан сўнг ягона мақсади – Ватан ҳимоячиси бўлиш эканлигини англаб етди. Қаҳрамонимиз 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти Қўриқлаш бошқармаси 4-алоҳида отрядига сафдор-ходим лавозимига тайинланди.

Юқоридаги таърифлар ҳам айнан норғул, Ватанига, юртдошларига хизмат қилишга қасамёд қилган Абдулҳоди Абдулвоҳидов ҳақида эди. Минг афсуски, у ҳақда энди фақатгина ўтган замонда ёзмоққа тўғри келади. Чунки бугун у орамизда йўқ.

Шу йилнинг 10 феврал куни. Соат 10.00 лар чамаси, Наманган вилояти Уйчи тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёси атрофи... Доимгидек хизмат олиб бораётган Абдулҳоди дарёда чўкаётган аёлни кўриб қолади. Иккиланиб ўтирмасдан ўзини сувга отган йигит кучли оқим домидан аёлни қутқариб, қирғоққа олиб чиқиб, шеригига топширади-ю, совуқ ҳарорат туфайли томирлари тортишиб шиддатли оқимга дош бера олмай чўкиб кетади.

Аёлга биринчи ёрдам кўрсатилиб, зудлик билан шифохонага етказилган. Маълум бўлишича, 1994 йили Наманган туманида туғилган, руҳий касалликлар диспансерида турувчи Н.О. жонига қасд қилиш мақсадида ўзини дарёга ташлаган экан...

Бугун Абдулҳоди орамизда йўқ. Аммо унинг жасорати асло унутилмайди. Хотира эса Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, жон фидо этган, ўзидан яхши ном қолдирган Абдулҳодига қалбларда қўйилган Меҳр ҳайкалидир.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**журналист.**

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

# ДУНЁДА ЯХШИЛАР КЎП



**Ташхисни эшитган Шаҳлонинг юраги уришдан тўхташига бир баҳя қолди. Нохуш хабар унинг ота-онасини ҳам эсанкиратиб қўйди. Чунки қизининг юрагини имкон қадар тезроқ операция қилиш керак, бунинг учун каттагина маблағ зарур эди.**

…Ҳаммаси ўтган йили баҳорда Шаҳлонинг гриппга чалинишидан бошланди. Дастлаб касаллик белгиларига эътибор бермади. Аммо кўп ўтмай, юзи, оёқларида шиш кузатилди, нафас олиши оғирлашди. Оғриқлар уни шифохонага боришга мажбур қилди.

Аввал туман, кейин вилоят, сўнгра пойтахтдаги тиббиёт муассасаларига мурожаат этишди. Шифокорлар иложи борича тезроқ операция қилиш зарурлигини билдиришди. Қисқаси, вақт қизнинг саломатлиги зарарига ишлай бошлади.

Чорасиз ота-она кўмак илинжида турли идоралар эшикларини қоқди. Ижтимоий тармоқ орқали ёрдам ҳам сўрашди. Бироқ даволаниш учун керакли маблағ йиғилмади. Нажот эшиги вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳудудда ўтказган сайёр қабулда очилди.

Шундай қилиб, Дўстлик тумани «Саритепа» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Инобат Фармонова вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Қодировнинг кўмаги билан вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари Шаҳло Фармоновани пойтахтимиздаги академик Воҳидов номидаги республика ихтисослашган хирургия марказига олиб боришди. Бир неча кунлик текширув ва тайёргарликлардан сўнг, 9 январь куни Шаҳлонинг юраги операция қилинди.

— Очиғи, жуда кўп одамлардан, ташкилотлардан қизим учун ёрдам сўрадик, — дейди Инобат Фармонова. — Тушкунлик, умидсизлик ҳам бўлди. Вақтни ўтказиб қўйсак, оқибати нима бўлади, дея қўрқардим. Сайёр қабулдан кўп ўтмай, қизимни операция қилишди. Ҳаммаси муваффақиятли ўтди. Президентимиз ташаббуси билан Шаҳло билан бир вақтда республикамизнинг барча ҳудудларидан 500 дан ошиқ турли хил касалликларга чалинган, даволанишга имкони йўқ беморлар бепул операция қилиниб, даволанди. Харажатлар давлат ҳисобидан қоплаб берилди. Ҳозир қизим бағримда. Мен шундай савоб ишнинг бошида турган Президентимиз ва шифокорларга ўз миннатдорчилигимни айтаман. Кимдир ёрдам қилди, кимдир йўл-йўриқ кўрсатди, яна кимдир илиқ сўзлари билан ёмон кунимда суянч бўлди, дунёда яхшилар кўпаяверсин.

Ҳақиқатан ҳам, яхшиларнинг кўмаги бўлмаганида, қизнинг юраги яна бир маромда ура бошламаган, қалби яна умидлар билан тўлиб-тошмаган бўларди.

— Шаҳло Фармонова тадбиркорликка қизиқади, биз унга 3-сектор масъуллари билан бирга кредит олишида, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида ёрдам берамиз, — дейди Дўстлик тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Гулбаҳор Холмуродова. — Қолаверса, у тўлиқ тузалиб кетгунча тиббий ёрдам кўрсатилиши ва ижтимоий ҳимояланишини назоратга оламиз.

Насиб этса, Шаҳлонинг яна бир нияти амалга ошади. Бунга ишончимиз комил. Зеро, дунёда яхши инсонлар кўп.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*



ТАДБИР

# ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ҲУЗУРИДА





Март ойининг бошларида Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси томонидан Хива шаҳридаги Президент мактаби ва Огаҳий номидаги ижод мактабида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар билан учрашувлар ташкил қилинди. Тадбирда бугунги кунда барча соҳалар қатори туризмни ривожлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётгани юзасидан батафсил маълумот беришди.

Вилоятга ташриф буюраётган туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида хизмат қилаётган ёш ходимларнинг муайян ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, ўқувчиларга рус ва инглиз тилларида тайёрланган ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари фаолияти ҳамда уларнинг алоқа маълумотлари акс эттирилган буклет ва қўлланмалар тарқатилиб, юртимизда туристлар хавфсизлигини таъминлашда амалга оширилаётган ишлар бўйича тайёрланган видеолавҳалар намойиш этилди. Вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари, лейтенант Бобур Ҳабибуллаев ва Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, сафдор Сабоҳат Султоновалар томонидан тақдим этилган инглиз тилида «Маҳорат дарси» ўқувчи ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтган учрашувлар якунида ўқувчиларга жаҳон ва ўзбек адабиёти намояндаларининг бадиий асарлари совға қилинди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Суратларда:** *ўқувчи ёшлар билан ўтказилган учрашувлардан лавҳалар.*

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.**

Кун ҳикмати

**Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.**

Абу Райҳон Беруний

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ОЛИЦЕТВОРЕНИЕ ЛЮБВИ И ВЕРНОСТИ

## *НА ПРИМЕРЕ ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВА ЗУЛЬФИИ И ХАМИДА АЛИМДЖАНА*



**«В актовом зале педагогического училища на творческую встречу с поэтами и писателями Узбекистана собрались студенты и преподаватели. Среди них были Гафур Гулям, Миртемир, Уйгун, Иззат Султан и Хамид Алимджан. Они читали свои стихи, отвечали на вопросы. Тут из-за стола встал молодой поэт из Джизака – Хамид Алимджан, уже печатавшийся в газетах и журналах. Он заметно выделялся среди других гостей. Немного подождав, когда успокоится зал, поэт обратился к аудитории:**

– Мои юные коллеги, я очень рад тому, что здесь собрались люди, по настоящему думающие о будущем нашей литературы. Чем больше вы будете читать классику и современные книги, тем больше наберетесь опыта и знаний. Дерзайте, творите, экспериментируйте!

Он читал вдохновенно свои ранние стихи, среди слушателей была и будущая супруга поэта Зульфия, которая завороженно внимала красивому баритону поэта. Каждая строчка вторила ее мыслям, доходила до глубины души…»

…С детских лет девочке, родившейся в Ташкенте в многодетной, дружной семье литейщика, казалось, что поэзия – это необыкновенный дар, что умением слагать стихи наделяет человека сама природа. И вдруг – она сама тоже сочиняет стихи! Больше всего на свете девушка боялась, что кто-нибудь из подруг узнает об этом ее увлечении.

Немало ночей просидела она над первыми стихами, сожгла немало черновиков, прежде чем робко отважилась показать их учителям на одном из занятий литературного кружка.

Могла ли себе представить пятнадцатилетняя студентка педагогического училища Зульфия Исраилова, в безмолвной тишине ночи склонявшаяся над первыми бесхитростными строчками, что через некоторое время ее стихи будут переводиться на многие языки мира?

Думала ли Зульфия ранней весной, сидя в уютном дворике большого сада, под цветущей вишней, с тетрадкой лирических стихов, что в жизнь ворвется молодой человек, с которым она недавно познакомилась на литературном вечере?

В 1932 году вышел в свет первый сборник стихотворений Зульфии «Страницы жизни». Хамид Алимджан обратил на них внимание. В 1934 году поэт встретил Зульфию на площадке, где сейчас расположен вход на станцию метро «Мустакиллик». До этого времени они виделись лишь на литературных вечерах. Хамид Алимджан был очень рад этой неожиданной встрече, и они долго беседовали.

Все чувства, которые испытала при встрече с Хамидом Алимджаном, Зульфия передала в стихотворении «Весенний вечер». Эта встреча стала фундаментом их крепкой дружбы, переросшей в беззаветную любовь.

В 1935 году Зульфия, окончив училище, поступила в аспирантуру Института языка и литературы, где совершенствовалась рядом с такими великими учеными, как Фитрат, Отажон Хошим, Солих Муталлибов. В те годы в институте работал и Хамид Алимджан. Он интересовался творчеством Зульфии и при встречах с нею давал советы. Каждая встреча сближала и возрождала любовь в сердцах.

1935 год был самым счастливым в их жизни. 23 июля они соединились узами брака. Зульфия вспоминает: «В 1935 году состоялась наша свадьба, и я жила очень счастливо. Когда человек по настоящему любит, для него любые трудности являются мелкими крошками. И все четыре времени года для него я была вот в таком настроении».



В это время Хамиду Алимджану было 26 лет. Он уже состоялся как поэт, ученый, наставник начинающих стихотворцев. Безусловно, Хамид Алимджан оказал на творчество своей юной жены, формирование ее личности огромное влияние. «Крупный поэт, знаток своего родного языка и литературы, человек редкого дарования и дисциплины, добрый к друзьям, беспощадный к врагам, Хамид Алимджан был для меня не только спутником жизни, отцом моих детей – он был для меня чутким наставником, соратником моей души и сердца. Я училась у него мыслить, работать, писать стихи», – писала Зульфия в автобиографии.



3 июля 1944 года в дом поэтов ворвалось горе. Жизнь Хамида Алимджана оборвалась внезапно и трагически – в 1944 году он погиб в автокатастрофе. Зульфие было тогда 29 лет. Страшная боль обожгла сердце поэтессы… Она не могла находиться наедине с собой, ей все время хотелось куда-то идти, но каждый раз дорога приводила к могиле мужа. Добрые и ласковые друзья, близкие и родные пытались смягчить ее боль, помогали сердечным участием и заботой. Но ей не становилось легче. Долгой, нестерпимо холодной показалась Зульфие первая зима без Хамида Алимджана.

А потом пришла весна – любимая его пора. В саду задышали розы, ожила природа, наполнив город сверкающим многоцветьем. Зульфия снова потянулась к перу…

Гибель Хамида Алимджана навсегда определила дальнейшую жизнь поэтессы. Дочери она говорила: «Только девять лет я была рядом с ним… Его смерть сделала меня поэтом. Может быть, будь он жив, я бы как каждая узбекская женщина, занялась детьми, домом и перестала бы писать. Но никому своей женской судьбы не пожелаю». После его гибели поклялась писать двумя карандашами – за него и за себя. Каждую весну, которую он так любил, она писала ему стихотворение.

Зульфия пережила Хамида Алимджана на пятьдесят два года. Ею было написано пятьдесят стихотворений. И эти стихи, как нерушимый памятник ему – не в камне, но в слове.

**«Мой друг, ты спишь**
**в земле.**
**Но как мне нужен ты!**
**Поговорю с тобою,**
**посижу я.**
**Давно ли ты, мой друг,**
**мне приносил цветы?**
**Теперь к тебе**
**с цветами прихожу я».**

В годы независимости среди народа появилась фраза: «Дочери Зульфии», ведь ее жизнь и творчество – яркий пример для всех узбекских девушек. Жизнь поэтессы, ее трудолюбие, стремление всегда идти вперед, верность любимому человеку, умение преодолевать трудности – все это пробуждает в женщинах нашей страны чувство гордости. И каждая девушка старается быть похожей на нее.

Утверждение Государственной премии имени Зульфии пробудило большой интерес у учащихся и студенток образовательных учреждений. Достигающие высоких результатов в области литературы, культуры, искусства, науки, образования и общественной деятельности девушки удостаиваются Государственной премии имени Зульфии.

Глава нашего государства Шавкат Мирзиёев подчеркивал, что нужно изучать литературное наследие великих Хамида Алимджана и Зульфии, довести до молодого поколения суть их произведений. С этой целью был разбит парк и установлены мемориальные памятники там, где жили и творили два столпа поэзии.

В городе Джизаке было реконструировано медресе «Ходжа Насреддин». Там расположился новый музей Хамида Алимджана и Зульфии, внесших огромный вклад в развитие узбекской литературы. Их произведения с любовью и интересом читают не только в Узбекистане, но и в государствах содружества.

Два великих источника узбекской поэзии – Хамид Алимджан и Зульфия – по сей день питают наши души, наполняют их светом, радостью, желанием жить и творить для любимой Родины.

Подготовила
**Азиза БОХОДИРОВА,**
**лейтенант.**

ПРОТИВОСТОЯНИЕ КОРОНАВИРУСУ

# ВЫСТОИМ И В ЭТОТ РАЗ!

**На днях зашел в один из столичных супермаркетов – нужно было прикупить кое-каких продуктов для дома. Покупателей немного, нет толкотни и суеты. Особо порадовали два обстоятельства, которые пришлись, словно бальзам на душу, в условиях тотального нашествия коронавирусной инфекции.**

Первое, подавляющее, если не стопроцентное количество покупателей, было в масках или респираторах. Возможно, на народ убедительно подействовала мировая обстановка: нешуточное количество заболевших и тех, кто уже, к огромному сожалению, скончался. Чего стоит пример одной лишь Италии, попавшей в бедственное положение в силу многих причин.

Второе, никакой паники и суеты, при том что дефицита продуктов не наблюдается, скорее, наоборот, очевиден их переизбыток. Никто лихорадочно не скупает товары, не создает панику и ажиотаж. Все берут по мере необходимости, с уверенностью, что продуктов достаточно, и завоз осуществляется по мере их реализации.

Коронавирус коварен, его цепная реакция распространения угрожающа – чтобы заразить тысячи людей достаточно одного больного, скрывшего поездку за рубеж или сбежавшего из карантина.

Мне трудно судить о том, какие чувства испытывают те, кому пришлось оказаться в контролируемых карантинных условиях. Очевидно, кто-то их переносит легко, воспринимая ситуацию как данность, другим кажется, что они находятся под своеобразным арестом, неизвестно за какое преступление. Но сбежать, чтобы обрести «желанную свободу», при этом став потенциальным источником передачи вируса, в данных условиях – преступление. Известно, что побег из карантина подпадает под уголовное наказание, и для этого, как видим, есть очень веские причины. Ныне за побег из карантина назначается реальный срок наказания. Но самое главное, что из-за непродуманных действий некоторых наших соотечественников могут пострадать многие-многие люди…

Нашему народу не раз приходилось проходить тяжелые испытания. Выстоим и в этот раз!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**




МЕСТО СЛУЖБЫ – КАРАУЛЬНЫЕ ВОЙСКА

# БДИТЕЛЬНОГО ВОИНА ВРАСПЛОХ НЕ ЗАСТАНЕШЬ

**Младший сержант Бекзод Аликулов неоднократно поощрялся руководством войсковой части за проявленную бдительность, верность служебному долгу.**



Осенью 2018 года он нес службу на контрольно-пропускном пункте, на входе в следственный изолятор. Адвокат М. Н., направляющийся на встречу с подследственным, попытался пронести через КПП 500 тысяч сумов, чтобы передать своему клиенту. Благодаря бдительности младшего сержанта Б. Аликулова попытка была предотвращена.

Весной 2019 года житель Андижанского района М. С. пришел в следственный изолятор на свидание со своим младшим братом. В ходе личного досмотра у гражданина М. С. была обнаружена сим-карта, которую он намеревался передать родственнику.

– Граждане прибегают к различным уловкам, чтобы передать близким или родственникам, находящимся под стражей, различные запрещенные предметы, – рассказывает контролер войсковой части № 7554 Главного управления караульных войск МВД младший сержант Бекзод Аликулов. – Это денежные средства как в национальной, так и в иностранной валюте, сотовые телефоны, сим- и флеш-карты и другие предметы. Но к каким бы ухищрениям они ни прибегали, эти предметы будут обнаружены и изъяты.

Бекзод Аликулов начинал службу в органах внутренних дел в 2011 году сотрудником 2-го отряда УВДТ (ныне Управление обеспечения безопасности на транспорте). Более 7 лет прослужил сотрудником патрульно-постовой службы на станции Навои. В 2018 году он продолжил службу в органах внутренних дел по контракту и был назначен контролером в войсковую часть № 7554, которая охраняет особо важные объекты.

Бдительность, верность служебному долгу, строгое соблюдение дисциплины позволили ему быстро завоевать авторитет среди военнослужащих. Сегодня он наставник молодых воинов. Его ученики – рядовые Иброхимжон Эркинхожаев и Иброхимжон Маткаримов перенимают богатый служебный и жизненный опыт, стараются во всем подражать учителю.

Б. Аликулов – уроженец махалли Халоват Навбахорского района Навоийской области. Родители, Шахриддин ака и Мухаббат опа, воспитали сына в духе любви к Родине. Сильными качествами характера таких людей являются достоинство, твердость, целеустремленность и мужественность. Они обладают повышенной физической активностью, отличаются прямолинейностью, стрессоустойчивостью и напором характера, которые помогают в службе.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

МЕРОПРИЯТИЕ

# Волонтеры – в помощь службам дезинфекции

**По инициативе хокимията области при поддержке Управления обеспечения безопасности на транспорте УВД Самаркандской области был организован бесплатный проезд ста студентов по маршруту «Ташкент–Самарканд».**



Первые два автобуса, выехавшие с автостанции города Ташкента, доставили в Самарканд 100 студентов. Параллельно курсировали другие автобусы и легковые автомашины.

По словам главного врача Самаркандского областного центра санитарно-эпидемиологического благополучия при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан Пирмухаммада Махмудова, в городе создано 10 бригад, которые проводят дезинфекцию госучреждений, общественного транспорта, рынков и других мест скопления людей. В первый день было дезинфицировано 15 дошкольных учреждений города, более 100 автобусов, 150 такси, 10 частных гостиниц, все рынки города.

В рамках профилактики коронавируса утвержден регламент обработки: на конечных остановках общественного транспорта и железнодорожных депо каждые четыре часа должна проводиться дезинфекция. Но, как признается П. Махмудов, ощущается нехватка специалистов, поэтому к работе в качестве волонтеров были подключены более тысячи студентов СамМИ. Проводится обучение сотрудников предприятий для того, чтобы они сами научились проводить дезинфекцию.



**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Самаркандская область.*

ИИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

**Ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ақлан ва жисмонан баркамол ёшларни тарбиялаш ИИВ академик лицейларининг асосий вазифаси ҳисобланади. ИИВ Бухоро академик лицейида ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилмоқда.**

# ИБРАТ МАКТАБИ






Лицейда директор ўринбосари Алишер Турсуновнинг ўз ўрни бор. У киши узоқ йиллар ички ишлар органларида хизмат қилиб, бой тажриба тўплади. 1996 йилдан хизматни бошлаган А. Турсунов кўп йиллар давомида Бухоро вилояти ИИБ тизимларида раҳбарлик лавозимларида, 2014–2017 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. Нафақага чиққач, раҳбарият ишонч билдириб, ИИВ Бухоро академик лицейининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлигига лойиқ кўришди. Бунга ҳам икки йил бўлди. Айни пайтда у бор иқтидорини ўқувчилар учун аямаяпти.

Тажрибали устоз ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида доимо бош-қош бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар орасида республикага танилганлари бисёр. Масалан, Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпиони бўлган Нигина Исоеванинг ўтган йилда эришган ютуқлари барчани бирдек қувонтиради. У Андижон шаҳрида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ташкил этилган спортнинг енгил атлетика тури бўйича 2002–2003 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида узунликка сакраш бўйича иккинчи, уч ҳатлаб сакрашда биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Г. Арзуманов хотирасига бағишланган II анъанавий халқаро хотира турнирининг уч ҳатлаб сакраш турида фахрли иккинчи ўрин совриндори бўлди.

Лицейда иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, ўтган йили Қарши шаҳрида спортнинг «Таэквондо ITF» тури бўйича ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Мустақиллик кубогида Миршод Ғуломов учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Россия Федерациясининг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида спортнинг кикбоксинг тури бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларида Алишер Эшмуродов ҳамда Зарифжон Истамов фаол иштирок этиб, иккаласи ҳам учинчи ўринни қўлга киритишди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган спортнинг «Ўзбек жанг санъати» тури бўйича ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон кубогининг шахсий беллашувида эса Севинч Зиёдуллаева ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.



Бундай ютуқлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Жамоада яхши муҳит шаклланса, ҳамжиҳатлик, аҳиллик билан иш кўрилса, у ерда ҳамиша зафар қозонилади. ИИВ Бухоро академик лицейида шу боис юқоридаги натижалар қўлга киритилмоқда. Қолаверса, истеъфодаги подполковник Алишер Турсуновдай бой тажрибага эга, фидойи устознинг ибрат мактабидан сабоқ олаётган ёшларимизнинг эртаси порлоқдир.

– Эришган барча ютуқларимда устозларим – полковник Шоназар Тўраев, подполковниклар Ғани Муяссаров, Бахтиёр Давлатовларнинг меҳнати катта бўлган, – дейди Алишер ака. – Айни пайтда шогирдим, академик лицей директори, подполковник Ихтиёр Ҳамроев билан хизмат фаолиятимни давом эттиряпман. Биз бўлажак осойишталик посбонларининг чин ватанпарвар, юртга содиқ ходимлар бўлиб етишишларига эътиборни кучайтиряпмиз.

Алишер аканинг фарзандларидан ҳам кўнгли хотиржам: қизи Моҳинур ўқитувчи, ўғли Шоҳинур эса унинг изидан борди. Айни пайтда вилоят ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармасида катта терговчи лавозимида хизмат қилади, унвони катта лейтенант.

Ҳа, мустақил юрт ёшларига бор меҳри, иқтидорини бахш этаётган Алишер Турсуновнинг фаолияти барчамизга ибратдир.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*



## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**– Ҳар куни қайсидир транспортдан фойдаланамиз, нимадир сотиб олар эканмиз, ўз-ўзидан истеъмолчига айланамиз. Шундай вазиятда биз, яъни истеъмолчилар қандай ҳуқуқларга эга бўламиз?**

– Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– товар (иш, хизмат ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

– товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

– товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;

– ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ қопланиши;

– бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

– истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

**– Эшитишимча, жаримани ўз вақтида тўлаганларга чегирма белгиланибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

– Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи модда билан тўлдирилди. Унга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Соддалаштирилган тартиб қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;

– жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

– худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилганда.

**– Судга кимлар мурожаат қилишга ҳақли?**

– Муайян низога оид ариза ёки даъво аризаси билан судга қуйидаги 3 хил тоифадаги шахслар мурожаат қилишга ҳақлидир:

– ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилаётган шахслар ва уларнинг вакиллари, шу жумладан, адвокатлар;

– прокурорлар;

– қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлган давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар.

**«Huquqiy axborot» телеграм канали маълумотларидан фойдаланилди.**

СОҲАМИЗ МАЛИКАЛАРИ

# ШИЖОАТЛИ ИНСПЕКТОР

**Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ҲПБ Хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, майор Гулсара Тиллаева узоқ йиллардан буён ички ишлар органларида фаолият кўрсатади. Намунали хизматлари алоҳида эътироф этилиб, «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланган. Унинг бой тажрибаси атрофидаги ҳамкасбларининг ҳавасини келтиради.**

– Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муҳим масала, – дейди Г. Тиллаева. – Оилалар мустаҳкам бўлиши учун ҳудудимизда доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борамиз. Оилада низоли ҳолатлар нима сабабдан юзага келади? Профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар билан қандай ишлаш керак? Жазо муддатини ўтаб қайтганларнинг озодликдаги ҳаёти қандай кечяпти? Нималар қилсак жиноятларнинг олдини олишга эришамиз? Бу саволларга жавоб топиш учун ишга жиддий киришганмиз.

Г. Тиллаева билан тумандаги нотинч бир оилада профилактик суҳбат олиб бораётган жараёнда учрашдик.

– Бир-бирини ёқтириб, севишиб турмуш қурган эр-хотин уч нафар фарзандли бўлганда ажрашмоқчи бўлиб туришибди, – дейди Гулсара опа. – Жанжал учинчи шахс – аммանинг аралашуви билан юзага келяпти. Унинг мақсади – ота ҳовлига эга бўлиш. Ўз жигаргўшаси – ука уч нафар фарзанди билан кўчада қоладими, оиласи пароканда бўладими, бу аёлни қизиқтираётгани йўқ. Бу каби вазиятларга иш жараёнида бот-бот дуч келамиз, иложи борича, оилаларни сақлаб қолишга, болалар тирик етим бўлмаслигига ҳаракат қиламиз.

Майор Гулсара Тиллаеванинг низоли оилада ўтказган суҳбатини кузатар эканмиз, бу ишнинг нақадар нозик ва машаққатли эканига гувоҳ бўлдик. Бир оилани, у ердаги соғлом муҳитни сақлаб қолиш учун бу каби суҳбатларнинг яна қанчаси олдинда, унга яна қанча асаблар ва тоқатлар керак...

– 2017 йилнинг баҳор ойлари эди. Гавҳар исмли аёл содир этган жинояти туфайли жазони ижро этиш муассасасига жўнатилди. Унинг қарамоғидаги уч яшар Анора исмли қизчани Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига топшириш керак. Болани бағримга босдим-да, «маршрутка»га чиқдим. Хизмат кийимидаман. Хаёлларим остин-устун, боланинг тақдири нима бўлади энди, деб хаёлга чўмаман. Қизчага офтоб тушиб бироз ғингшиди, кейин ухлаб қолди. Шунда кўзим рўпарамда ўтирган йўловчи аёлга тушиб қолди. У шунчалик ўткир нигоҳ билан қарар эдики, кўзлари менга маломат айтаётгандек туюлди. Ўзимни ноқулай сеза бошладим. «Менга қаранг, оналик меҳри борми ўзи сизда? Эгнингизга формани яраштириб кийиб олгансиз-у, қизингизнинг аҳволини қаранг! Тоза ва озода, иссиқ кийимлар олиб бермайсизми бунга ҳам! Эсиз фарзанд...», деса бўладими? Шошганимдан «Ишимиз шунақа!» деб юборибман. Мен нима дедим, у қандай тушунди, ғалати ҳолат юзага келди. Ҳалиги йўловчи аёл мен билан бирга бекатда тушиб: «Мана бу пулга болангизга тузукроқ кийим олиб беринг, илтимос», деди. Ўзимни тутиб туролмадим: «Кечирасиз, биринчидан, менга сизнинг пулингиз керак эмас! Иккинчидан, вазиятни билмай туриб хулоса қилишга шошилманг! Учинчидан, болага давлатимизнинг ўзи керагича ғамхўрлик қилади, – кийинтиради, едириб-ичиради, тарбиялайди, вояга етказади», дедим. Аёл карахт бўлиб, қотиб қолди. «Нега тушунмайсиз, Анора менинг фарзандим эмас. Унинг онасини ҳозир суд қилишди, энди унинг боқувчиси йўқ... Қизчани Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига топшириш учун олиб кетяпман», дедим. Аёл қилмишидан уялиб, астойдил кечирим сўради. Бу каби воқеалар хизмат фаолиятимизда учраб туради.

Дарвоқе, Гулсара Тиллаева турмуш ўртоғи Холхўжа ака билан икки нафар қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Катта қизини турмушга узатишган, Имронхўжа исмли набирасининг севимли буваси ва бувижонисига айланишди.



– Аёл қайси ишда, қандай лавозимда ишламасин, у оиланинг бекаси эканини унутмаслиги керак, – дейди қаҳрамонимиз. – Ҳар куни хизматни тугатиб, уйга шошиламан. Дастурхонга бирор лаззатли таом тайёрлашим шарт, чунки мен ҳам онаман, рафиқаман, деймаи ўзимга ўзим. Ҳам ишнинг, ҳам оиланинг тизгинини бирдек ушлаш қийин, деган гаплар ҳам бот-бот қулоғимизга чалинади. Йўқ, агар касбингни севсанг, вақтингни тўғри тақсимлай олсанг, ҳаммасига улгуриш мумкин, бу сенинг ўзингга ва маҳоратингга боғлиқ, дея тасалли бераман ўзимга.

Чиндан ҳам шундай. Майор Гулсара Тиллаеванинг сўзларини тинглаб, ИИВ соҳавий хизматларида шундай жонкуяр ходималар борлигидан қалбимиз фахру ифтихорга тўлади.

**Ўз мухбиримиз.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ИБРАТ

# ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

**Орамизда шундай инсонлар борки, улар бировнинг ташвишини ўзининг муаммоси деб билади. Бошқаларга қувонч улашиб, чигал вазиятларда ҳам кўмаклашишга ҳаракат қилади.**

**Сергели тумани ИИОФМБ пробация гуруҳида ҳам ана шундай инсонлардан бири хизмат қилади. Подполковник Улуғбек Ҳожиқулов «Инсонларга нафим тегмаган кунни умрим ҳисобига қўша олмайман», дейди.**



Жўрабек Шониёзов гиёҳвандлик воситаси билан боғлиқ жиноятга қўл уриб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Натижада у билан ижарама-ижара яшаб юрган турмуш ўртоғи ва икки нафар вояга етмаган фарзанди кўчада қолади. Нима қилишини билмаган аёл болаларини олиб ота уйига равона бўлади. Шу тариқа ёш оила ажрашиб кетади. Катталарнинг хатоси туфайли жажжи қизалоқлар ота меҳрига зор бўлиб улғая бошлайди.

Орадан маълум вақт ўтиб, давлатимизнинг инсонпарварлиги сабабли Ж. Шониёзовнинг ўталмай қолган жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилади. У озодликка чиққач, Сергели тумани ИИОФМБ пробация гуруҳи ҳисобига олинади. Жўрабек билан суҳбат олиб борган пробация гуруҳининг муҳим топшириқлар бўйича инспектори, подполковник У. Ҳожиқулов унинг муаммоларини ҳал қилиш чораларини излай бошлади. Биринчи галда Жўрабекнинг бандлигини таъминлаш лозим эди. Шунинг учун туман ҳудудидаги қурилиш ишлари билан шуғулланадиган «Contact inform grop» масъулияти чекланган жамиятга мурожаат қилади. Шу тариқа биринчи муаммо ўз ечимини топади.

Тиниб-тинчимаган Улуғбек Ҳожиқулов, энди назорат остидаги Ж. Шониёзовнинг оиласини тиклаш ҳаракатига тушади. Аввалига Жўрабекнинг онаси яшайдиган хонадонга бориб, ўғил ва она ўртасидаги уй-жойдан фойдаланишда юзага келган муаммоларга ечим излайди. Бундан ҳеч қандай натижа бўлмагач, Ж. Шониёзовни уй-жой билан таъминлаш зарурлиги бўйича туман ҳокимлигига мурожаат қилади. Бу муаммо ҳам тегишли тартибда ҳал қилинади. С. Калмаматовага собиқ турмуш ўртоғи ишга жойлашганлиги, уларнинг яна бирга яшашлари учун кўп қаватли уйларнинг биридан хона ажратилганлиги катта қувонч бағишлайди.

Иккиси ўртасидаги муносабатларни қайта қонунийлаштириш, оиласини тиклаш юзасидан туман ФҲДЁ бўлимига мурожаат этади. Подполковник Улуғбек Ҳожиқулов С. Калмаматовага янги фуқаролик паспортини расмийлаштиришда амалий ёрдам беради. Ва ниҳоят, икки ёшнинг никоҳи қайта тикланишига эришилади. Ўз касбининг фидойиси бўлган подполковник Улуғбек Ҳожиқуловнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги кунда ушбу оила тинч-тотув яшаб келмоқда.

Д. Суровцева қилмишининг оқибатини ўйламай жиноят кўчасига кириб қолади. У содир этган босқинчилик жинояти учун олти ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Аёлга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиб, жазо муддатини оиласи бағрида ўташи учун имконият берилади. Аммо у суд томонидан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, вояга етмаган фарзанди Меҳрибонлик уйига топширилган эди.

Пробация ҳисобига олинганидан кейин подполковник У. Ҳожиқулов Деранинг барча муаммоларини ўрганади. Энг аввало, уни ишга жойлаштирди. Янги фуқаролик паспортини расмийлаштиришда ҳам ёрдамини аямади. Туман ҳокимлигининг кўмаги билан Деря Суровцевага янги қурилган кўп қаватли уйлардан шинам хонадон ажратилишига бош-қош бўлди. Деранинг меҳрибонлик уйида тарбияланаётган фарзандининг яна онаизор бағрига қайтарилишида ҳам У. Ҳожиқуловнинг хизмати беқиёсдир.

– Инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди, унинг бу йўлга кириб қолишига тарбия топган муҳити сабабчи бўлади, – дейди подполковник Улуғбек Ҳожиқулов. – Пробация хизматида фаолият юритаётган илк кунимдан эътиборан назоратга олинган шахслар билан суҳбатлашиб, уларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитини ўрганиш давомида шунга амин бўлдимки, бу тоифадаги инсонларнинг тузалиш йўлига ўтиши ва ижтимоий ҳаётга мослашувида уларга ёрдам кўрсатиш ҳамда муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ,**
**ИИВ ЖИЭББ ҳузуридаги Пробация хизмати матбуот котиби, майор.**

## К 90-ЛЕТИЮ ГАЗЕТ «POSTDA»-«НА ПОСТУ»

За законность и правопорядок !

На посту

ИЗДАТЕЛЬ-КОЛЛЕГИЯ МВД УЗБЕКСКОЙ ССР



**ПРИТЧА.** Однажды учитель спросил учеников:

– Почему люди, ссорясь, повышают голос?

– Наверное, они теряют спокойствие, – предположили ученики.

– Но зачем повышать голос, если второй человек находится рядом с тобой? – настаивал учитель.

Ученики недоуменно пожали плечами, им это и в голову никогда не приходило. И тогда учитель сказал:

– Когда люди ссорятся и недовольство между ними возрастает, их сердца отдаляются. А вместе с ними отдаляются и их души. Чтобы услышать собеседника, им приходится повышать голос. И чем сильнее их обида и злость, тем громче они кричат. А что же происходит, когда люди уважают друг друга? Они не повышают голоса, а говорят очень тихо. Их сердца находятся рядом, а расстояние между ними практически полностью стирается...

Вот уже более шести лет прошло с тех пор, как ушел от нас наставник, учитель и добрый человек, бывший заместитель главного редактора Объединенной редакции МВД Республики Узбекистан подполковник Александр Степанович Воргудяев. Годы идут неумолимо, все вокруг меняется, что-то приходит в нашу жизнь, а что-то бесследно исчезает, но память... Она вечна, пока мы храним ее в наших сердцах, не позволяя забвению забрать у нас все то, что было дорого для нас и близко.

В преддверии юбилея наших изданий под рубрикой «К 90-летию газет «Postda»-«На посту» мы решили публиковать материалы, напечатанные в ранних номерах газеты.

# ГОРЬКОЕ СЕМНАДЦАТИЛЕТИЕ

**В изложении нижеследующих фактов более всего подойдет телеграфный стиль...**
**«В ночь на 16 декабря 1990 года, около 01 часов в подъезде дома № 4, 5-го квартала путем нанесения ножевого ранения в область брюшной полости неизвестным лицом убит К. Иванов».**



За законность и правопорядок!

На посту

ИЗДАТЕЛЬ-КОЛЛЕГИЯ МВД УЗБЕКСКОЙ ССР

№ 7 (2271) • Вторник, 22 января 1991 года • Цена 10 коп.

Следите за погодой

Дела не внутренние

проблемы розыска

Патрульно-постовая

Житель Кокчетавской области Константин Иванов, 1970 года рождения, наверняка не предполагал, чем для него может закончиться приезд погостить к матери в Ахангаран. Строки из оперативной сводки скупо и точно передают подробности происшедшего. Находясь в этот день по упомянутому уже адресу, Константин был вызван на улицу незнакомыми парнями, а через некоторое время хозяин квартиры В. Суворов, выйдя на улицу, обнаружил его труп.

Для раскрытия преступления в Ахангаранском РОВД незамедлительно организовали оперативную группу, которая в первые же часы установила личность совершившего преступление и адрес его возможного появления. Уже около семи часов утра того же дня в первом микрорайоне Ахангарана у своей бабушки участковым инспектором ОПС сержантом милиции А. Юсуповым и инспектором ИДН лейтенантом милиции А. Курбанбаевым был задержан несовершеннолетний М. Хурчаков, 1973 года рождения, ученик слесаря комбината «Стройпластмасс», который в ходе первого допроса полностью признался в совершении преступления.

Здесь необходимо отметить такую деталь. Несовершеннолетний М. Хурчаков на момент совершения им умышленного убийства уже имел отсрочку за ранее совершенное преступление, то есть должен был находиться под строжайшим контролем. Но случилось самое страшное: одно преступление повлекло за собой другое, более тяжкое.

И еще об одном происшествии...

Трагически закончился вечер отдыха в клубе «Литейщик», что в Ахангаране. 26 декабря прошлого года в дежурную часть РОВД поступило телефонное сообщение из отделения «скорой помощи» о том, что в помещении названного выше клуба обнаружен труп Ф. Мансурова, 1969 года рождения, жителя Алмалыка, временно не работающего, с признаками насильственной смерти от проникающего ножевого ранения. А также о том, что оттуда же в районную больницу с ножевым ранением в тяжелом состоянии доставлен У. Джурабаев, 1969 года рождения, ахангаранец, временно не работающий.

Конечно же, приведенные биографические данные потерпевших были выяснены уже после того, как к работе приступила следственно-оперативная группа, возглавил которую начальник РОВД майор милиции С. Убайдуллаев. Вошедшие в нее начальник отдела уголовного розыска майор милиции Ф. Пак, заместитель начальника РОВД Р. Акрамов и другие установили, что после танцев произошла массовая драка, в ходе которой от ножевого ранения в область сердца скончался Ф. Мансуров, а рана в область живота была нанесена У. Джурабаеву. Путем тщательного опроса всех находящихся на месте преступления граждан была установлена личность по кличке «Волк». Уже через час на квартире у своего товарища оперативные сотрудники задержали несовершеннолетнего А. Волкова, 1973 года рождения, жителя Ахангарана, временно не работающего. Он полностью признался в совершенном им преступлении. Остается добавить, что А. Волков в свои юные годы уже был судим.

Два преступления, временной промежуток между которыми всего несколько дней. Но сближает их не только то, что они произошли в минувшем декабре в одном городе. Горько, но характерно, что ушли из жизни двое молодых, полных сил людей. Настораживает то, что многие из упомянутых, как в качестве потерпевших, так и в качестве обвиняемых, не занимались общественно-полезным трудом. И совсем тревожно то, что и М. Хурчаков и А. Волков, уже имея за своими молодыми плечами приговоры судов, подытожили свое семнадцатилетие столь аномальным образом – убийством.



Горькое семнадцатилетие

А вопросы остаются

В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ—ПОДРОСТОК

**Александр ВОРГУДЯЕВ.**
**(«На посту», № 7, от 22 января 1991 г.)**

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

# ОБНАРУЖЕН НЕЗАКОННЫЙ СКЛАД

В ходе оперативного мероприятия, проведенного совместно Государственным таможенным комитетом, отрядами специального назначения Национальной гвардии и Министерства внутренних дел, выявлен склад, где хранились незаконно завезенные из сопредельных государств табачные изделия.

На складе были обнаружены 58 тысяч 884 пачки табачных изделий восьми видов. Общая стоимость немаркированной акцизными марками продукции по предварительным подсчетам составила 1 миллиард 400 миллионов сумов.

В настоящее время проводятся мероприятия по выявлению всех членов преступной группировки и мест, куда доставлялись незаконно ввезенные табачные изделия.






# ДОБРОТА И ЗАБОТА ОБЪЕДИНЯЮТ ЛЮДЕЙ

В правоохранительных органах к ветеранам относятся с заботой и почтением. Военнослужащие и сотрудники Национальной гвардии Республики Узбекистан считают своим долгом навещать людей, отдавших лучшие годы жизни службе, проявивших смелость в выполнении своего долга перед страной, обеспечении мира и спокойствия нашего народа.

Так, по инициативе подразделений Национальной гвардии, расположенных в Сурхандарьинской, Сырдарьинской, Джизакской областях и городе Ташкенте, группа военнослужащих совместно с курсантами Военно-технического института и учащимися военно-академического лицея «Темурбеклар мактаби» посетили участников Второй мировой войны и ветеранов трудового фронта Шерали Хайдарова, Миджахида Хадиева, Хуррама Муртозоева, Хумойиддина Шарофиддинова, Бектурсина Пирматова, Холмата Шарипова, Исонали Муйдинова, Ирину Савинову, Марию Зайцеву, Владимира Дорошенко и др. Ветераны рассказали о войне и мужестве, ценности мира и спокойствия, делились советами, наставляли молодежь.

Учащиеся лицея находились под большим впечатлением от встречи с ветеранами, явившими пример смелости и стойкости.

Подобные мероприятия способствуют воспитанию чувства патриотизма у подрастающего поколения.

# ПОЙМАН ВОР



17 марта, около 22.00 часов, члены автоэкипажа – военнослужащий Национальной гвардии и сотрудник ППС ГУВД, несущие службу на вверенной территории, задержали мужчину. Он похитил мобильный телефон женщины, проходившей по улице, пролегающей по 3-му кварталу Юнусабадского района города Ташкента. Изъятый телефон был возвращен владелице, гражданке Ф. Н., а совершивший данную кражу гражданин – доставлен в УКД ОВД Юнусабадского района.

В результате предварительного следствия выяснилось, что кражу совершил житель Юнусабадского района А. А., 1996 года рождения. По данному инциденту продолжается расследование.




# ЗАДЕРЖАН ПАЦИЕНТ, СБЕЖАВШИЙ ИЗ КАРАНТИНА

20 марта текущего года уроженец Наманганской области М., 1995 года рождения, прибыл из Москвы в Узбекистан на поезде «Москва-Ташкент», после чего был помещен на 14-дневный карантин в один из специализированных центров Кашкадарьинской области.

Несмотря на необходимость следования установленным требованиям, 21 марта, примерно в 15.30 часов, данный гражданин перелез через стену, огораживающую карантинный центр, и попытался сбежать, однако был задержан сотрудником Службы охраны Национальной гвардии, который нес службу на объекте.

В настоящее время рассматривается вопрос о возбуждении уголовного дела в отношении беглеца.

# ПРОВОДИТСЯ РАЗЪЯСНИТЕЛЬНАЯ РАБОТА

Анализ причин правонарушений и преступлений, совершаемых в ночное время суток, показывает, что в большинстве случаев они происходят с участием временно неработающей молодежи.

В связи с этим, сотрудники Управления Национальной гвардии Республики Узбекистан по Сурхандарьинской области во взаимодействии с группой общественных активистов Термеза составили список временно безработных юношей и девушек, проживающих в городе. Специалисты, привлеченные к профилактической работе, проводят с ними беседы, выясняют их способности и таланты, в соответствии с которыми решаются вопросы трудоустройства.



Особое внимание уделяется молодым людям, желающим работать за рубежом. С ними, а также с их родителями и близкими, проводится разъяснительная работа.

Подразделения Национальной гвардии осуществляют профилактическую работу по всей стране.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**рядовая.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ВАФО ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Бугун Жиззах шаҳрида барпо этилган дилбар шоир, иқтидорли драматург Ҳамид Олимжон ва унинг севимли ёри, шоира Зулфия хиёбони, шоир ва шоиранинг мемориал ёдгорлиги ҳамда уларнинг ижодига бағишланган музей энг файзли масканга айланган.

Адабиётимизнинг улкан намояндалари меросини кенг тарғиб қилиш, асарларига жо бўлган эзгу тушунчалар моҳиятини ёш авлодга етказиш учун Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ўзбек тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, икки дилбар шахс, икки буюк ижодкор Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним яратган бадиий асарларда тараннум этилган ғоялар мазмун-моҳияти билан ҳам, биргаликда кечирган турмуш тарзи билан ҳам вафо ва садоқат рамзи бўлиб қолди. Улар ўз халқининг юрагида, эрк деганнинг тилагида мангу яшаяпти.

Шоир ва ёзувчилар фақат афсонавий муҳаббатларни куйлаб-тасвирлабгина қолмайдилар. Уларнинг ўзлари ҳам севган ёрлари билан оташин муҳаббат оғушида ҳаёт кечирадилар. Балки бундай бахтли ҳодисалар кўп эмасдир. Балки бармоқ билан санарлидир. Агар Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг афсонавор муҳаббати бармоқ билан санарли достонлардан бўлса, унинг қиммати янада ошган, бинобарин, у нодир ишқий достонлардан бири бўлади...

1932 йилда Зулфиянинг биринчи шеърлар тўплами — «Ҳаёт варақлари» матбуот юзини кўрди. Бу шеърлар Ҳамид Олимжоннинг ҳам назарига тушди.

«Мен, — деб ёзади Зулфия, — Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йилда кўрганман. Биз, йигирма чоғли адабиёт ихлосмандлари, семинар машғулотларига йиғилардик. Машғулотларни Ҳамид Олимжон билан Уйғун бошқарарди. Уларнинг ўша пайтдаги фақат ўзига ишонадиган кишидагина бўладиган босиқ, мағрур, кучли қиёфалари мени ҳозиргача ҳайратга солади. Улар ўзларини ниҳоятда эркин тутарди...

...Яшириб ўтирмайман. Ҳамид Олимжон илк кўришувларданоқ кўзимдан кўнглимга ўтди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан унинг кенг қалби, улкан иқтидорини туйдим».

1934 йил эди. Ҳозирги «Мустақиллик» метро бекати олдидаги майдончада Ҳамид Олимжон Зулфияни учратиб қолади. Ҳамид Олимжон тасодифий учрашувдан мамнун бўлиб, Зулфия билан узоқ суҳбатлашади.

— Шеърингизни ўқидим, — дейди у ошкора меҳр билан. — Яхши. Нималигини айтайми? Шеърда қалбингизнинг сурати бор. Бир парчагина бўлса ҳам. У ўзингизнинг қалбингиз. Худди шундай давом эттириш керак. Риторикасиз, ҳақиқатни ёзиш зарур...

«Ўшанда, — деб ёзади шоира, — мен уйимизга юриб эмас, учиб келдим. Келибоқ йўл бўйи туғилган туйғуларимни қоғозга туширдим. Мен бу шеърни шундай енгил, тўлиб-тошиб ёздимки, юрагимга аллақандай афсонавий бир қудрат кириб олиб, фикрларим, қўлларимга куч бахш этаётгандай эди».

Ўша тасодифий учрашувнинг бундай шоирона талқин этилиши ҳам, Зулфиянинг ўша унутилмас оқшом соатларида «Баҳор кечаси» шеърини ёзиши ҳам бежиз эмас. Ҳамид Олимжон билан Зулфия ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат саройининг муҳташам биносига худди ўша куни биринчи ғишт қўйилган эди.

1935 йил улар ҳаётига энг бахтли сана сифатида кириб келди. Шу йилнинг 23 июль куни тақдир икки шоирнинг ҳаётришталарини бутун умрга бир-бири билан боғлаб ташлади. Шу даврда Ҳамид Олимжон 26 яшар қирчиллама йигит бўлиб, бешта шеърлар ва ҳикоялар китоби муаллифи, таниқли шоир, тиришқоқ ижодкор, ёш шоирлар учун эса устоз сифатида эл оғзига тушган эди. У Зулфия учун турмуш ўртоғи ва дўстигина эмас, балки унинг ижодий тақдирида мислсиз аҳамиятга молик сиймо ҳам бўлди.

«1935 йилда тўйимиз бўлди, — деб ёзади Зулфия. — Мен яйраб яшардим. Инсон чинакам севиб, севилганда атрофидаги барча қийинчиликлар ушоқ бўлиб кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади. Мен ўша пайтда шундай руҳда эдим».

Нодир инсоний фазилатлар соҳиби Ҳамид Олимжон Зулфияга, ҳамма нарсада ўрнак бўлди. Зулфия улкан шоирдан фикрлаш, меҳнат қилиш ва шеър ёзишни ҳам, дўстларга меҳрибон, душманга эса шафқатсиз бўлишни ҳам ўрганди, унинг ижод мактабида таълим олди. Ҳамид Олимжон шу маънода Зулфия қалбига уйғун ҳамроҳ ва сезгир маслаҳатчи бўлди.

Барча бахтиёр кишилар бир-бирларига ўхшайдилар. Бахтиёр инсон дилнавоз ошиқ ёки маъшуқага ўз қалбининг биллур туйғуларини нисор этади. Зулфия ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам ўша чароғон йилларда қалб кўрини, меҳр-муҳаббат тафтини бир-бирларидан сира фориғ тутмадилар.



Ҳамид Олимжон 30-йилларнинг иккинчи ярмида она юртнинг оташин куйчисига бежиз айланмаган, олтин водийлару бахмал адирларни бежиз ёниб тасвирламаган, бепоён Ватанимизнинг жаннатмонанд тасвирини бежиз яратмаган. Уни шундай гўзал шеърият дурдоналарини яратишига илҳом берган ҳам унинг қалбидаги Зулфияга бўлган муҳаббатнинг латиф туйғулари эди.

**Наим КАРИМОВ.**

Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ўртасидаги пок севги, оилавий ҳаёт турмуш тарзи вафо ва садоқат намунаси бўлганлиги айни ҳақиқатдир. Аслида Ҳамид Олимжоннинг Бахт, Баҳор ва Ёшлик куйчиси бўлиб элга танилишида ҳам, тарихда қолишида ҳам, Юнус, Мисқол парилардек фариштамисол оналари Комила ая ва бувиси сўзлаб берган эртаклар, достонлар билан бир қаторда ... «ойни уялтирган қош» соҳибаси — Паризоди — Зулфия ҳам сабаб бўлганди. Шоирнинг

«Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
сатрларини эсга олайлик...»

Навқирон ошиқ йигитнинг ишқ чаманзорига илк қадам қўйиши ана шундай бошланади. Ярқираган шеърият «қуёши» ёнида унга парвонамисол милтираган «юлдуз» пайдо бўлди. Қуёш нуридан баҳраманд бўлиб, завқ-шавқ олиб муҳаббат қўшиғини куйлайди маҳбуба. Бу қўшиқда муштоқ ошиқ қалб жўр бўлади унга. Таъриф этилганидек:

Икки оташ икки аланга
Икки қалбга туташгани рост.
Бир севгики, жон берар танга
Ҳамид ила Зулфияга хос.

Ҳа...!!! Табиат бу икки мусаффо қалбда туғён урган муҳаббат ришталарини бирлаштирди. Омон ва Ҳулкардек дилбар фарзандлар ато этди, шеъриятга — гўзалликка шайдо илҳақ қалбга жўшқин илҳом берди.

Лекин афсус-надоматлар бўлсинки, бундай фараҳбахш, саодатли онлар нашидаси узоққа чўзилмади. Оташин сатрларнинг илҳомбахш қуёши, ҳомийси айни навқиронлик пайтида пок, маъсум туйғуларни, мунис аҳд-паймонларни ғафлатда, доғда қолдириб, учиб кетди сарлочин.

Эриб кетмагандим севгингдан
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо.
Бирга қолиш учун сен билан
Куяман-у бўлмайман адо,

дея армон қилишдан ўзга чора тополмади етим қолган бахт. Аммо шоиранинг жасорати шундаки, у тақдирнинг бу қадар ёвуз тухфасига нафақат сабру бардош ила кўникди, айни пайтда Зулфияхоним Ҳамид Олимжон орзу-армонларини амалга оширди. Ҳар йил баҳорда — ўрик гуллаган чоғларда, қалдирғочлар «вижир-вижир»ларида у билан «учрашиб» турди.

Чиндан ҳам Ҳамид Олимжондек буюк сиймога тақдир тақозоси билан Зулфияхонимдек оқила, донишманд, матонатли шоира аёлнинг умр йўлдоши бўлиши айни муддао эди. Бинобарин, бу фидойи, вафодор аёлни шоир руҳи қўллади, унга халқи меҳри мададкор бўлди.

**Нуриддин БОБОҚАНДОВ.**

Парвардигорнинг ўзи Зулфиянинг тақдирини элнинг ҳассос шоири, муҳташам сўз соҳиби, такрорланмас истеъдод эгаси Ҳамид Олимжон билан боғлаган эди. Бироқ Ҳамид Олимжон бу оламни эрта тарк этди. Шоира ўттизга ҳам кирмасдан икки фарзанди билан қолиб кетди. Ҳам оила, ҳам ижод, ҳам кундалик ишлар... ҳамма-ҳаммаси унинг аёл бошига тушди. Чин ихлос, ҳақиқий интилиш, ҳаётсеварлик, покиза ахлоқ уни ҳаётнинг барча қийинчиликларини сабот билан енгиб ўтишида қўл келди. Ва буларнинг барчаси шеърларида ўз аксини топди. Умр йўлдоши вафотидан кейин ёзилган мана бу мисралар ҳар қандай дилларни ўртаб юборади:

Сени бирдан жонсиз кўрдим,
Жоним чиқди менинг-да.
Эс-ҳушимдан ажраб турдим,
Туйғум кетди сенинг-ла.
Кошки эди, мен бошингда
Турган бўлсам ўша дам.
Кирмасмидим мен қонингга,
Бермасмидим жонни ҳам.

Бу чин ошиқнинг сўзлари. Лирик қаҳрамон оташин ишқи билан бахтини асраш истагида ёнади. Мунис аҳдда саодатдан маҳрум бўлиш йўқлигини айтиш билан қалбида катта орзулар яшаётганини ифода этади. Унинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб ёзилган ҳар бир шеъри замирида, аввало, унинг ўлмаганлиги, доим хаёлида яшашини айтиш билан бир қаторда, ҳали дийдор борлигига ишонч руҳи бор:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

**Ғайрат МАЖИД.**




*Шу йил май ойида «Postda» ва «На посту» газеталари ташкил этилганининг 90 йиллиги нишонланади. Севимли нашрларингизда ички ишлар органларининг фаолияти ёритилиши баробарида, жамият ҳаётида учрайдиган долзарб ва оғриқли муаммоларга бағишланган кўплаб мақолалар ҳам чоп этилган. Газеталаримиз учун тарихий ҳисобланган сана олдидан ана шундай мақолаларнинг бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.*

**ИИВ Бирлашган таҳририяти.**

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

# «ТЎҒРИ БЎЛ, ҚЎШНИМНИНГ БОЛАСИ»



Ҳозирги кунларда тўртта киши йиғилган жойда бозор-ўчар, нарх-наво, топиш-тутиш ҳақида гап кетиши тайин. Биров бозордаги нарх-навонинг кўтарилиб кетаётганидан нолиса, биров бирни ўнга, юзга пуллаганидан қувонади. Бекорга «сотувчи арзон кетди, олувчи қиммат» дейишмайди. Лекин мен айтмоқчи бўлганларим – авлодларимизнинг келажаги ҳақида.

...Сумалак қозони тепасидаги аёлларнинг гап қозони ҳам тинмай қайнайди:

– Фалончихон, ишдан бўшаб олибсизми?

– Бе, арзимаган пул учун ишлаб ўтираманми? 12 ёшли ўғлим икки соатда 200 минг топиб келаяпти.

– Вой, қаерда ишлаяпти шунчалик?

– Магазиндан напитка олиб, бозорга олиб бориб, сотяпти...

– Ўқиш-чи?

– Ўқиб, шаҳар олармиди? Ҳозир давр ўқиганники эмас, ишбилармонники?

Бу – битта шу онанинг фикри эмас. Ҳозирги кунда бозорларда, кўчаларда, бекатларда – қаерки, «ходовой» деб ҳисобланиши мумкин бўлса, ўша ерда яшик-яшик яхна ичимликлар, резинка сақичдан тортиб турли-туман, ранг-баранг сигаретларгача сотиб ўтирганлар – она сути оғзидан кетмаган, айни шу пайтда синфдошлари билан ўқитувчисининг маърузасини тинглаб ўтириши лозим бўлган болалар ота-оналарининг фикри десам, янглишмаган бўламан. Мактаб ўқитувчилари билан бир оз ҳамсуҳбат бўлинг – давоматнинг пастлиги, ўқишга қизиқишнинг сусайиб кетганлиги, айрим ўғил болалар мутлақо пул топиш йўлига кириб кетганликлари ҳақида нолийдилар. Тўғри ҳозир шароит оғир, халқимиз болажон, ҳар бир оиланинг, бўлмаганда, тўрттадан боласи «ейман-ичаман, кияман», дейди. Битта отанинг, баъзан ота-онанинг топгани рўзғорни учма-уч тебратишга аранг етади. Арғамчига қил қувват бўлганидек, болаларнинг қарашгани ҳам ҳарна. Лекин бу қарашиш дарс ҳисобига бўлса-чи?

Кеча Аҳмад Дониш кўчасида бекат ёнида икки яшик ичимликни йўл четига қўйиб, ёнида стулда гўё чет эл фильмларидаги корчалонлардек оёғини чалиштирганча оғзида сигарет бурқситиб, ястаниб ётган 12–13 ёшли икки болакайни кўриб, ачинмадим, негадир, дилим оғриб кетди. Бу болалар келажакда ким бўлиб етишади? Ҳозир, айни ўқиб, миясига, онгига билимлардан олган хазинасини жойлаб, келажак учун замин тайёрлаши лозим бўлган болакайлар иккита-иккита бўлишиб нарса сотишса, тўдалашиб, автобуснинг у эшигидан чиқиб, бу эшигидан тушиб, қингир ишга қўл уришса. Шулар бизнинг ватанимиз келажаги бўлган, ишонган боғларимиз – болалар-ку?


1994 йил, 20 май

5-бет

БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФА

Сиз нима дейсиз?

«ТЎҒРИ БЎЛ, ҚЎШНИМНИНГ БОЛАСИ»

Рейд

Ташмачиларга 340 минг сўм жарима

Яна бир гал бир қарич бола билан сигарет туташтираётган барзангидек кишини кўриб, очиғи, гап тополмай қолдим. «Болангиз тенги гўдакка чекма дейиш ўрнига, туташтириб ол деб тургани уялмайсизми», деган саволимга «Ишингиз нима?» деган жавобни олдим. Ҳа, бу менинг, сизнинг, унинг иши бўлмаса, кимнинг иши бўлиши керак? Болаларимиз тўғри бўладими, йўлтўсар бўладими бефарқ қараб тураверишимиз керак экан-да.

Илгари битта болага етти қўшни жавобгар бўлган экан, ҳозир вақти келса, бир оғиз «тўғри бўлгин, ҳой қўшнининг боласи», десангиз, боласи қолиб, ота-онаси ҳам «нега боламни тергайсан, нима ҳақинг бор?» – дея ёқа олишгани чиқади. Шунақаларни кўргандан кейин яна «менга нима»чилик бошланади.

Майли, ҳамма ҳам ҳалол, пешона тери билан пул топиб, кун кўрсин, худойим бирини ўн қилсин, лекин болаларимиз, энг аввало, билим олишсин. Билимсиз келажак йўқлиги икки карра икки тўртдек аён нарса-ку!

Ўйлаб кўринг, ҳозир бозор иқтисодига ўтиш даври, бу даврнинг алғов-далғов дамлари бўлиши тайин. Аммо бу талатўплар ҳам тугар, бозор муносабатлари барқарорлашар, шунда дўкондан мол олиб, бозорда сотувчилар қандай кун кўради? Бугунги билимсиз югуришларнинг марраси яқин – бозор муносабатлари турғунлашгач, сотувчиларнинг ҳам сарағи-сарак, пучаги пучакка ажралиб, олғирлар эмас, ҳақиқий билимдон ишбилармонларнинг куни туғади. Ҳозир пул топиш йўлига кириб кетган болалар аввалги жарақ-жарақ пуллар хумор қилиб, осон йўлларни қидиришга тушади. Оғир ишга бўйни ёр бермаганларнинг бу йўли – ўғирлик, талончилик эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қарабсизки, жиноятчилар сони яна ортади.

Ҳукуматимиз авлодларимизнинг келажагини ўйлаб, «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этди, келажак авлод тарбиясидаги меҳнатлари учун республикамиздаги қатор меҳнаткаш кишилар тақдирландилар ҳам. Мен авлодларимизнинг соғломлигини фақат жисмонан эмас, маънан ҳам эътиборга олинишини истардим.

Болаларимиз ҳам маънан (руҳан), ҳам жисман соғ бўлмас экан, авлодимиз соғлом дея олмаймиз. Маънан соғлом бўлишнинг йўли фақат билимли бўлиш эканлиги барчага маълум. Шунинг учун болаларимизнинг ўқишлари аро йўлда қолиб кетишига, фақат бозорнинг гули – пулнинг қули бўлиб қолишларига йўл қўймайлик! Аввал ўқигин, битта ҳунарнинг бошини тутгин, кейин майли, рўзғорга қараш десак, ҳеч қайси бола саҳар мардонда туриб, кўзини уқалаб, бозорга йўл олмайди. Бунинг учун билимсизликнинг йўли қисқа эканлигини, вақтида билим олиб, мустаҳкам пойдевор яратиб олишлари кераклигини тушунтира олсак, бас.

Мени ўйлантирадиган яна бир муаммо бор. Бу аксари ўрта мактабни битирган ёш-ёш йигитларнинг эртаю кеч ишламасдан, саланглаб юриши. Шу йигитларнинг ота-онаси ишлама, кўчада санғиб юравер, ўзим боқаман, демаса керак. Улар ҳам бирин-кетин уйланади, рўзғорли, бола-чақали бўлади. Шунда ҳам ота-онанинг пули билан рўзғор тебратармикин?

Менинг таклифим, болаларнинг бозорга гирдикапалак бўлишларига чек қўйилса, уларнинг асосий вақтлари фақат ўқиб, билим, ҳунар эгаллашга сарфланса. Шундагина авлодимиз соғлом, келажагимиз бехавотир бўлади.





**Шаҳзодахон ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**журналист.**

*(«Постда» газетаси, 1994 йил, 20 май сони).*

БИЛАСИЗМИ?

**1958 йил августдан «Постда» ва «На посту» газеталарининг якшанба сони ҳам чиқа бошлаган. Газеталарнинг аҳоли ўртасида оммалашиб, машҳур бўлиб кетганлигини якшанба сонларининг тиражи 415 минг нусхага етганидан ҳам билса бўлади.**



# Детская страничка



*Радуга, ты, Радужка!*
*В небе задержалась.*
*Как красиво платьишко,*
*Что тебе досталось!*
*Ты прекрасней, Радуга,*
*Всех чудес на свете!*
*Объясни, твоя дуга*
*Почему так светит?*
*Отвечала Радуга*
*В небе расписная:*
*«Всех хочу я радовать,*
*Потому такая!»*

**В. ДОНСКАЯ.**

## Аппликация с подснежниками

Как сложить оригами?

1. Возьмите белый лист бумаги квадратной формы.
2. Сложите его по диагонали пополам.
3. Вершину получившегося треугольника отогните назад.
4. Теперь по очереди загните боковые стороны вниз.



## Откуда берётся радуга?

Сколько ярких чувств вызывает появление радуги! Мы с радостью выбегаем на улицу посмотреть на это чудесное явление природы.



Обратите внимание, что радугу можно наблюдать только перед дождём или после него, и только в том случае, если одновременно с дождём сквозь тучи пробивается солнце. Что при этом происходит? Лучи солнца проходят через капельки дождя. Каждая такая капелька работает как призма, то есть она разлагает белый свет солнца на его составляющие – лучи красного, оранжевого, жёлтого, зелёного, голубого, синего и фиолетового цветов.

Чтобы запомнить последовательность цветов в радуге, есть специальные простые фразы. В них первые буквы соответствуют первым буквам названий цветов:

- **К**ак **О**днажды **Ж**ак-**З**вонарь **Г**оловой **С**ломал **Ф**онарь;
- **К**аждый **О**хотник **Ж**елает **З**нать **Г**де **С**идит **Ф**азан.

Запомните их – и вы без труда в любое время сможете нарисовать радугу!

## РЕБУС




*Подсказка: в ребусе зашифровано название весеннего месяца.*

## Раскрась картинку





## Весенние загадки

Есть у весны достойный старт,
Зовётся просто – месяц …

(Март)

Кто без нот и без свирели
Лучше всех выводит трели,
Голосистей и нежней?
Ну, конечно,..

(Соловей)

Длинный тонкий стебелёк,
Сверху – алый огонёк.
Не растенье, а маяк,
Это ярко-красный ...

(Мак)

Очнулась природа от долгого сна,
Красавица радует всех нас,..

(Весна)

## Реши кроссворд и узнай, что ищет ёж?






БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

# В ГУЩЕ АВТОМОБИЛЬНОГО ПОТОКА...

**Новости о гибели людей в результате дорожно-транспортных происшествий никогда и никого не оставляют равнодушными. Свидетели ДТП долгое время приходят в себя, а участники, как правило, пересматривают свое отношение не только к Правилам дорожного движения, но и к жизни вообще.**



Среди множества причин, по которым происходят ДТП, есть одна, о которой говорят редко. Нарушители, в данном случае, не относятся ни к водителям, ни к пешеходам. Это особый род участников дорожного движения – попрошайки. Они не боятся выходить на середину проезжей части, бродить между машинами в надежде получить, пусть мизерные, но деньги. Для них не писаны законы, так как складывается впечатление, что им безразлична жизнь и своя, и детей, которых они таскают с собой, и водителей, под колеса машин которых они могут попасть.

В нашем государстве жестко борются с данным видом «заработка». В прошлом году был подписан Закон «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленные на совершенствование механизмов обеспечения общественного порядка» от 10 января 2019 года, которым введена административная и уголовная ответственность за попрошайничество. В ст. $188^{3}$ КоАО, а также ст. $127^{1}$ УК это явление определено как активное прошение денег, продуктов питания, материальных ценностей в аэропортах, на вокзалах, в парках отдыха, торговых комплексах, на рынках, а также прилегающих к ним территориях, в местах временного хранения автотранспортных средств, на улицах, стадионах, остановках, проезжей части дорог, объектах материального и культурного наследия, во всех видах общественного транспорта, общественных местах.



Только в г. Ташкенте в 2018 году были выявлены свыше 5 тысяч человек, которые занимались попрошайничеством, из них свыше 4 тысяч – женщины, около 100 – мужчины–инвалиды, 500 – люди пожилого возраста. Благодаря принятым в 2019 году нормам, попрошаек на дорогах стало меньше.

В Правилах дорожного движения есть определение: «Проезжая часть – часть дороги, предназначенная для движения безрельсовых транспортных средств». Это означает, что улицы рассчитаны на передвижение по ним автотранспорта. Человек, просящий милостыню, оказавшись на проезжей части в момент движения, рискует жизнью и здоровьем, а еще «подставляет» водителей и пассажиров, так как в любой момент может случиться ДТП.

Сотрудники органов внутренних дел незамедлительно реагируют на подобные нарушения. Однако полностью изжить это порочное явление можно только в том случае, если сами водители перестанут реагировать на просящих подаяние людей. Ваши деньги, даже самые крупные суммы, ваша сердобольность в данном случае идет во вред.

Если мы хотим жить в цивилизованной стране, то должны воспитывать себя самих, в том числе и правильному поведению на дорогах, на которых все еще встречаются люди, просящие подаяние.

**Соб. корр.**

ИЗ ЗАЛА СУДА

# Дорогие посиделки

**8 марта, примерно в 23.00 ночи, в чайхане города Самарканда разыгрался скандал. Девушки, перебрав спиртного, стали вести себя непристойно. Работники чайханы попросили их покинуть помещение. В ответ на это возмутительницы спокойствия устроили скандал. Пришлось вызывать сотрудников правоохранительных органов, которым девушки также оказали сопротивление.**

9 марта на заседании Самаркандского городского административного суда была дана правовая оценка произошедшему. В ходе судебного разбирательства выяснилось, что нарушительницами общественного порядка оказались уроженки: Дустликского района Джизакской области, 28-летняя Саида Х.; Пастдаргомского района Самаркандской области, 24-летняя Фарида Ж. и Кошрабадского района, 29-летняя Интизор М.

По словам девушек, они вели себя вполне пристойно. Просто во время дискотеки кто-то из парней поднял на руки одну из танцующих подруг, что вызвало недовольство посетителей чайханы. Администрация же, не разобравшись, потребовала от них немедленно покинуть помещение. Они отказались подчиниться требованию, так как заплатили половину суммы и ждали подачи блюд согласно сделанному заказу. Слово за слово, и ссора перешла в рукопашную.

Девушкам были предъявлены обвинения согласно ст. 183 («Мелкое хулиганство») и ст. 195 («Противодействие выполнению служебного долга сотрудниками органов внутренних дел») КоАО.

Учитывая чистосердечное раскаяние, нарушительницы были оштрафованы на 669 тысяч сумов, а Интизор М., помимо штрафа, получила 5 суток административного ареста.

**Жахонгир САГДУЛЛАЕВ, старший лейтенант.**
*Самаркандская область.*



ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ПИЧОҚДА АЙБ ЙЎҚ

**Яқинда қишлоққа борганимда, ёшлигимиздан буён ишлатиб келинаётган пичоғимизга кўзим тушиб қолди. Олдин ҳеч эътибор бермас эканман, у жудаям ингичкалашиб кетибди. Пичоққа тикилиб туриб болалик хотираларим уйғона бошлади...**





... Биринчи синфни тугатиб, ёзги таътилга чиққан вақтларимиз эди. Энди шу пичоғимиз билан тарвузни сўяман деб турганимда, синфдошларим келиб қолди. «Келинглар, тарвузхўрлик қиламиз», дедим-да, уларга қараган кўйи пичоқни тарвузга суқдим. Бир пайт йнг қўлимнинг бош бармоғи тагини пичоқ кесганини сездим. Қон тирқираб оқа бошлади. Оғриқдан додлай бошлаганимни эшитиб, онам югуриб чиқди ва «Вой, ўлай, нима қилдинг?» дея қўлимни боғлаб қўйди. Вақт ўтиб жароҳат тузалиб ҳам кетди. Лекин қўлимнинг ўша жойидаги чандиқ ҳалигача қолган. Бунда пичоқнинг айби йўқ...

Ўтган 2019 йилнинг феврать ойи эди. Тунги соат бирлар чамаси. Фазлиддин (исм-шарифлар ўзгартирилди) таниши Абдумансур билан Юнусобод туманидаги тунги клубга келади. Бу ерда таниш қизларини кўриб қолиб, улар ўтирган столга боради. Қизлар билан суҳбат қилаётиб, шу ерда турган сигаретани қўлига олиб чекади. Шунда сал нарироқда турган Даврон исмли йигит унга қўли билан бу сигарета меники дегандай ишора қилади. Фазлиддин табиатан қизиққон бўлгани учун Давроннинг бундай ишораси унга ҳақоратдек туюлади. Олдига яқинлашиб гапга тутади, лекин шовқин туфайли ҳеч нарса эшитилмайди. Шунда улар гаплашиб олиш учун ташқарига йўналишади.

Ташқарига чиқаётиб Даврон Фазлиддинни бир-икки марта туртиб юборади. Бу ҳолат Фазлиддиннинг баттар жазавасини қўзитиб, улар тунги клубнинг орқа тарафида муштлашиб кетишади. Шу пайтда Давроннинг бир нечта оғайниси ҳам пайдо бўлиб, уларни ажратишга тушишади. Жанжалга Фазлиддин билан бирга келган Абдумансур ҳам қўшилади. Фазлиддин беш-олти чоғли кишига дўсти иккисининг кучи етмаслигига кўзи етиб, ёнида олиб юрган пичоғини чиқариб, Даврон ҳамда унинг оғайниларига ташланади.

Оқибатда Даврон ва унинг икки нафар ўртоғи Фазлиддиннинг пичоғидан жиддий жароҳат олишади, яхшиямки ҳолат фожиа билан тугамайди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Шунинг учун суд Фазлиддин Садриддиновга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Аслини олганда мен болалигимда қўлимни кесиб олганим каби, юқоридаги ҳолатда ҳам пичоқнинг айби йўқ. Ҳамма айб уни ғараз ниятда ишлатаётганларда. Бу тилсиз-забонсиз матоҳни эзгу мақсаддаям, ёмон ниятдаям ишлатиш, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. Пичоқ, қачонки ёвузлик учун қўлга олинсагина, совуқ қуролга айланади.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# «ҲОЖАТБАРОР» КИРАКАШЛАР

**Бу ҳаётда ошна-оғайнинг бўлганига нима етсин. Улар қувончингга шерик, қийин кунингда тиргак, бошингга ғам тушса ҳамдард бўлишади. Шоҳруҳнинг ҳам ошна-оғайнилари кўп. Айниқса, икки ошнаси билан жуда яқин. Ўтган йили ўғрилик қилиб қўйиб, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганида ҳам шу иккиси кўнглини кўтаришди.**

Шоҳруҳ кечки пайт акасининг кулранг «Нексия»сида кира қилгани чиқаётиб, ўша қадрдон оғайниларини олволди. Улар ярим кечагача шаҳар кезишди. Шоҳруҳнинг қанча пул топгани ўзига аён. Ҳар ҳолда насибага яраша бўлгандир. Кейин нимanидир режалаштирдими, машинани йўл четида тўхтатиб, давлат рақам белгиларини ечиб олди.

Соат тахминан тунги тўртларда пойтахтимизнинг Сўғалли ота кўчаси бўйлаб ҳаракатланишаётганда йўл ёқалаб пою пиёда кетаётган бир йигитга кўзлари тушди.

– Ярим кечаси йўл бўлсин? – машина ойнасидан бошини чиқариб сўради Фахриддин.

– Абу Сахийга.

– Пулини берсанг, обориб қўямиз.

– Ёнимда пулим йўқ.

– Э, бизлар ҳожатбарор киракашлармиз, текинга ҳам обориб қўяверамиз, – деб Лазиз машинадан тушиб, уни қўярда-қўймай орқа ўриндиққа ўтқазди.

Озгина юришгач, Фахриддин сўради:

– Шундай қилиб, ёнингда қанча пулинг бор?

– Пулим йўқ, дедим-ку.

Унинг ёнида ўтирган Лазиз қўлидаги барсеткага ишора қилди:

– Унда бунинг ичида нима бор?

Фахриддин қўйнидан ўткир тиғли нарса чиқариб дўқ урди:



– Қани, ёнингдаги ҳамма нарсани бу ёққа чўз-чи!

Сўнг барсеткага ёпишди. Йигит қаршилик кўрсатди. Шунда Лазиз унинг қўлларини маҳкам ушлади. Фахриддин эса барсеткани тортиб олиб, Шоҳруҳга узатди. Барсетканинг ичида нима борлигига қизиқиб, Шоҳруҳ машинани секинлатди. Ёрдам сўраб бақираётган йигит қулай фурсатдан фойдаланиб, бир амаллаб Лазиз билан Фахриддиннинг чангалидан қутулиб, пастга тушди.

Тунги босқинчилар тўхтаб, мажбурлаб машинага ўтқазмоқчи бўлишди. Лекин шу томонга бир киши келаётганини кўриб чўчишди. Кейин автоуловни тезлатиб, воқеа жойидан яширинишди.

Зўравонлар ўзлари учун бехавотирроқ жойга бориб тўхташгач, барсеткани очиб, кўздан кечиришди. Унинг ичидан 450 АҚШ доллари, 500 минг сўм, 3400 Қозоғистон Республикаси тенгеси, фуқаролик паспорти ва талабалик гувоҳномаси чиқди. Шоҳруҳ пулларни олиб қолиб, қолган нарсаларни Фахриддинга қайтариб берди. Фахриддин эса ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, ҳужжатларни барсеткага солиб, «Бўзсув» каналига улоқтирди. Шундан сўнг оғайнилар уй-уйига тарқалишди.

Эртаси куни уч оғайни кўришиб, ҳалиги пулга кийим-кечак сотиб олишди. Қолганига эса роса улфатчилик қилишди. Аммо «шоввозлар»нинг кайф-сафолари узоққа чўзилмади. Орадан икки кун ўтиб, учаласи ҳам ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд жараёнида улар ўзларини оқламоқчи бўлиб, «Бизлар ҳазиллашгандик. Унга нарсаларини қайтариб бермоқчи эдик», дейишди. Лекин бу гапларига ким ҳам ишонарди. Қайтариб бермоқчи бўлган одам ҳужжатларни сувга улоқтириб, пулларни ишлатиб юборармиди?!

Донишмандлардан бири «Менга дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтаман», деган экан. Гёте эса «Инсон хато қилиш хусусиятига эга, шунинг учун унинг дўстлари бор», деган. Яъни, улуғ немис шоири ва мутафаккири дўстлари инсонни хато қилишдан тўхтатиши лозимлигини назарда тутган. Шоҳруҳнинг оғайнилари эса унга қўшилиб жиноят содир этишди. «Ўхшатмасдан учратмас», деб шунга айтишса керак-да.

**Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди судьяси.**
**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

# БАҲОРНИНГ ДАРМОНБАХШ ТАОМЛАРИ



**Баҳор ойларида кунлар илиб, табиат уйғонгач, кишида бош айланиши, кўз тиниши, беҳоллик, мадорсизлик каби аломатлар сезилади. Негаки, бу фаслда саломатлик учун ўта аҳамиятли бўлган витаминларга эҳтиёж ортади. Халқ тили билан айтганда, «илик узилди» даврида исмалоқ, ялпиз, жағ-жағ, мадор, семизўт, шовул каби табиат неъматлари инсон организмида витамин ва фойдали моддалар захирасини тўлдиради, иммун тизимини, ошқозон, жигар ва буйракка ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли қадимдан юртимизда кўкатлардан таом тайёрлаш анъанага айланган.**



Ҳар бир хонадон бекаси кўклам ойларида кўк сомса, чучвара, манти, қатлама, чалпак каби мазали егуликларни тайёрлаб, нафақат оила аъзоларини суюнтиради, балки уларнинг соғлом бўлиши учун ҳам қайғуради. Бу таомларни мазали қилган кўкатларнинг ҳар бири ўзига хос фойдали хусусиятга эгадир.

Масалан, исмалоқ организмни шлаклардан тозалайди, ичак, қон томирлари фаолиятини яхшилайди. Ёқимли ифори билан ажралиб турувчи ялпиз эса тинчлантирувчи восита ҳисобланади, бўғим касалликлари, бош оғриғини даволайди, қон айланишини яхшилайди. Отқулоқ қон босими кўтарилиши ҳамда меъда хасталикларида тавсия этилади. Жағ-жағ иштаҳани очади, меъда шираси ажралишини меъёрлаштиради. Семизўт уйқусизлик, қабзиятнинг олдини олади, яраларни тез битириш хусусиятига эга. Ушбу қувватбахш ўсимликларни истеъмол қилиб туриш организмда моддалар алмашинуви, ҳазм тизимининг яхшиланишига хизмат қилади.



Ўзига хос таъмга эга бўлган ўсимликдан тайёрланган мадор сомса ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир: юпқа, тўртбурчак шаклдаги ушбу сомса, асосан, Паркент заминида машҳур бўлиб, унинг мазаси беқиёсдир. Тоғ ёнбағирлари, соя-салқин жойлар, бутазорлар орасидаги ялангликлар ҳамда қумлоқ ерларда ўсувчи ушбу кўкат турли дармондориларга бойлиги билан табиат бизга инъом этган неъматлар ичида етакчи ўринларда туради. Мадор нафақат тансиқ таом тайёрлашда, балки дори воситалари ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўлланилади.



Тайёрланиш жараёни узоқ вақт ва сабр-қаноатни талаб қилган сумалак ва ҳалим ҳам асосий баҳорий таомлардан ҳисобланади. Бир қатор витамин, оқсил, фойдали моддалар ва организм учун зарур бўлган С дармондорисига бой бўлган сумалакни еб ҳам, ялаб ҳам тўймайди киши. Унинг асосини аксарият микроэлементлар мавжуд бўлган ундирилган буғдой ташкил этади. Сумалакда организмга осонгина сингадиган ҳаётбахш озуқалар бор. У қон таркибини яхшилайди, меъда-ичак фаолиятини меъёрлаштиради, асабни тинчлантиради.



Яна бир тансиқ таом бўлмиш ҳалимнинг ҳам инсон организмига ижобий таъсир этувчи хусусиятлари кўп. Уни тайёрлашдан мақсад қишдан мадорсиз чиққан организмда озуқавий моддаларни тиклаш, кўплаб касалликларнинг олдини олишдан иборат. Мазкур таом таркибидаги буғдой, ёғ, гўшт маҳсулотлари оқсилга ниҳоятда бой. Унда инсон ҳаёти учун муҳим бўлган витамин ва минераллар кўп. Қолаверса, узоқ қайнатилиши натижасида гўшт суягидаги кальций, фосфор каби фойдали моддалар таомга сингиб кетади. У, айниқса, камқувват беморлар учун ўта фойдалидир. Ҳалим таоми организмда модда алмашинувини яхшилайди, юракка қувват беради, руҳий ҳолатни меъёрлаштиради.

**Гулчеҳра АЗИМОВА**
**тайёрлади.**

# ИСИРИҚ – ШИФОБАХШ ГИЁҲ

**Исириқни баъзида «гармала», «зармал», «исвант», «адрасмон» деган номлар билан ҳам аташади. Аммо исириқнинг асл номи «Ҳазораспбанд»дир (форсча – «минг отни тутишга қодир» маъносини англатади).**

Ривоятларга кўра, хонадонда исириқ тутатиб турилса, касаллик ва инс-жинсларни ҳайдаб чиқаради, деб тушунилади. Илмий тиббиёт исириқ таркибида бўлган таъсирчан моддалар кўзга кўринмас микроорганизмларга қирон келтиришини исботлаб берган.

Шунинг учун исириқдан ажратиб олинадиган гармин-ал-коллоиди ва ўсимлик илдизидан тайёрланган спиртли дамлама паркинсон хасталигини, тутқаноқ, энцефалитни, бош миянинг яллиғланиши асоратини – қалтирашни даволашда ҳамда ухлатувчи восита сифатида ишлатилади.

Исириқнинг уруғидан кўп миқдорда ёғ олиш мумкин. Бу ёғни турли хил усулларда, масалан, жувоз усулида, юқори механик босим остида ёки кимёвий усулларда (экстракция) олиш мумкин. Исириқ ёғи миядаги тўсиқларни очиш, пайларни мустаҳкамлаш ва пайлардаги елларни тарқатишда ишлатилиши мумкин. Исириқ ёғини озуқа сифатида истеъмол қилиш ҳам мумкин. Тизза ва суяклар қақшаб оғриганда исириқнинг ер устки қисмини эзиб, оғриган жойга боғланади. Исириқдан кучли пешоб ҳайдовчи сифатида ҳам фойдаланишади.



Халқ табобатида исириқнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма бод, безгак, тутқаноқ, уйқусизлик, шамоллаш ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Бундай қайнатма қўтир, қичима ва бошқа тери касалликларига ҳам фойда қилади. Исириқ уруғидан тайёрланган қайнатма зиғир уруғининг қайнатмаси билан биргаликда нафас қисиши, нафас олишнинг қийинлашишида ишлатилади. Исириқнинг шифобахш хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қайд қилишимиз мумкин: ичаклардаги бодларни ҳайдайди, қуюқлашган моддаларни таҳлил қилади, совуқ мижозли кишиларга жинсий қувват бағишлайди, баданни семиртиради, пешоб, тер, сут ва ҳайз юришини равонлаштиради.

Исириқни туйиб, хонанинг бурчаклари ва полига сепиб қўйилса, ҳар хил ҳашаротлар бу хонадонга йўламайди. Исириқ тутатсангиз, хонангизнинг ҳавоси тозаланади, микроб инфекциялар эса қирилиб битади.

Исириқ заҳарли гиёҳ бўлгани учун ундан фойдаланишда шифокор тавсияларига тўла амал қилиш лозим. Иссиқ мижозли кишиларга исириқни истеъмол қилиш зарарлидир, чунки бу уларнинг бошини оғритиб, юракларини беҳузур қилади.

**Катта сержант**
**Маъмуржон ФИРМАТОВ**
**тайёрлади.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник
**Нурулла АБДУЛЛАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, Олтиариқ тумани ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Алиматжон Хомидовга падари бузруквори
**ЭМИНЖОН отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ Ташкилий бошқарма муҳим топшириқлар бўйича инспектори, капитан Баҳодир Тоҳировга падари бузруквори
**ОРИФЖОН отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЗДОРОВЬЕ

# Весенняя еда для разных типов кожи



**Жирная кожа:** весной становятся особенно заметны поры и темные точки на лице. Полезны свежие овощи и салаты. Например, белокочанная и китайская капуста, зеленый салат, лук. Они сдерживают выработку кожного сала. Кстати, постарайтесь именно по весне ограничить жареную пищу. Диетологи уверяют, что рыба и мясо, приготовленные на пару, помогают не только поддержать фигуру в форме, но и избежать появления белых точек (невоспалительных элементов – милиумов) на лице.



**Сухая кожа:** из-за диет и резкой смены погоды отчетливо проявляется шелушение. В этом случае полиненасыщенные жирные кислоты приходятся как нельзя кстати. Добавьте в рацион побольше растительного масла, в том числе льняного, кукурузного. Не пренебрегайте рыбой, особенно жирной – семгой, форелью, скумбрией. Только не копченой или соленой, а желательно приготовленной на пару. Главное – не злоупотребляйте слишком солеными или перчеными соусами.

**Нездоровая бледность:** она возникает не только из-за недостатка солнца и нелюбви к солярию. Вам попросту может не хватать железа. То есть у вас – анемия. Чтобы это узнать точно, лучше сдать анализ крови и начать есть гречку, печень, яблоки.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

## КАК НЕ ЗАРАЗИТЬСЯ ВИРУСОМ



### Перчатки

Надевайте перчатки. Не снимайте их в общественном транспорте.



### Дистанция

Старайтесь не приближаться к людям на расстояние ближе одного метра.



### Запрет на рукопожатия

Сдерживайте себя от рукопожатий со знакомыми и коллегами.



### Маски

Не надевайте одну маску больше одного раза, менять ее следует каждые три часа.



### Проветривание

Чаще проветривайте помещения.



### Дверные ручки

Не прикасайтесь к дверным ручкам ладонями. Открывайте двери в перчатках или с помощью бумажных салфеток.



### Посуда

Тщательно мойте посуду. Также желательно использовать индивидуальные приборы при накладывании общих блюд.



### Полотенце

Выделите каждому члену семьи отдельное полотенце. Стирайте их чаще.

# Отдохнуть за 60 секунд невероятно просто

Постоянные стрессы, спешка и суета – это норма для современного человека. Чтобы сохранить физическое и эмоциональное здоровье, отдых просто необходим. Врачи говорят, что неделя отпуска раз в полгода, во время которого желательно сменить обстановку и куда-нибудь уехать, для современного человека не роскошь, а необходимость. Также нужно посвящать время ничегонеделанью хотя бы один раз в неделю. Но скажите, у кого это получается?

Работа, семейные и бытовые дела часто отнимают у нас все силы и время, поэтому так важно устраивать себе маленькие перезагрузки в течение рабочего дня. Особенно важно это делать, когда вы чувствуете, что ваши силы на исходе, а нервы на пределе, хотя дожидаться этого не обязательно. Вы не поверите, такой отдых займет не больше минуты, но способен быстро вернуть вас в строй.



Итак: сядьте поудобнее, почувствуйте под собой опору, позвольте мышцам расслабиться. Обратите внимание на мышцы лица, они, как правило, передают все наше напряжение и находятся в тонусе. Прекратите спешить хотя бы на эту минуту, посвятите ее полностью себе. Начинаем упражнения, делаем их аккуратно и с любовью к себе.

1. Быстро трите пальцем посередине ладони в течение 5 секунд.
2. Разогретыми ладонями энергично, но бережно (растягивать кожу лица нам ни к чему), трите щеки вверх-вниз еще 5 секунд.
3. Постучите костяшками пальчиков по «гребешку» головы (место от лба до затылка) – 5 секунд.
4. Сожмите руки в неплотный кулак и потрите внутреннюю и внешнюю стороны предплечья – по 3 раза.
5. Аккуратно нажмите на щитовидную железу (чуть выше ямочки на шее) сложенными большим и указательным пальцами.
6. Костяшками пальцев постучите 5 секунд по вилочковой железе (центр груди).
7. Найдите пульсирующую артерию на шее и слегка надавите на нее пальцами, удерживайте 5 секунд, отпустите и глубоко вдохните. Повторите то же самое со второй стороны.
8. Нащупайте большим пальцем впадину на основании черепа. Задержите палец на три секунды и отпустите. Повторите действие трижды.
9. Сложите ладонь в форме чашечки и трижды похлопайте ею ноги по внешней стороне сверху вниз и вернитесь по внутренней – снизу вверх.
10. Если есть возможность, сделайте массаж рефлекторных точек ступней: сожмите кончик большого пальца, задержитесь на пару секунд, затем – его подушечку. При болезненных ощущениях разотрите точку до исчезновения боли. Плотно сдавите пальцами ахиллово сухожилие, задержитесь на пару секунд и отпустите. Повторите трижды. Потрите ступню о ступню в течение 5 секунд.

**Подготовлено по материалам интернета.**

ОТМЕЧАЕМ НАВРУЗ

# Интересные традиции и приметы

**Навруз – чудесный, волшебный праздник. При этом слове учащенно бьется сердце, душа наполняется радостью, а за спиной вырастают крылья. Этот праздник, как правило, ассоциируется с сумаляком – бессменным спутником восточного Нового года. Но есть и другие традиции, о которых знают немногие.**

Итак, Навруз – это повод…

**…проснуться до рассвета** и встретить восход солнца, почувствовать на лице его живительные, благодатные лучи. Ощутив восторг и радость, сохраняя молчание, поделиться благодатью со своими близкими, тогда весь год в семье будут царить счастье и благоденствие.

**…накрыть стол** праздничной скатертью, достать новую посуду. На красивые тарелки разложить лепешки, кук-самсу, приготовленную из семи видов зелени, фрукты, сладости. Поставить в вазу ветви семи любых видов деревьев и украсить ею центр стола. Рядом расставить семь белых пиал, глиняный горшочек с зелеными ростками.

**…приготовить весенние блюда.** Кроме плова, халима, сумаляка и кук-самсы, есть и другие блюда, которые можно приготовить на праздник. Например, зеленый салат с гранатовыми зернами – символом Навруза во многих странах.



**…украсить дом цветами.** Чем их больше, тем лучше. Подснежники, фиалки, гиацинты, нарциссы – выбирайте любые.

**…призвать весну** с помощью глиняной свистульки, которые в виде фигурок птиц, сказочных персонажей ваяются нашими мастерами-ремесленниками. Свистом они «приманивают» тучи, которые приносят с собой дождь и богатый урожай.

**…достать из бабушкиного сундука старинное сюзане.** Оно станет отличным украшением дома, ведь в «цветущей» ткани зашифрована сама весна. Богатство красок – пожелание счастья, узор в виде граната – символ плодородия, цветущий миндаль – призыв к радостной жизни.

**…поговорить с золотой рыбкой.** В Навруз принято ставить на праздничный стол прозрачный сосуд с живыми золотыми рыбками. Их должно быть столько, сколько членов семьи. Аквариум символизирует счастье и благополучие, а рыбки исполняют желания.

Такие чудесные традиции связаны с Наврузом. Следуйте им, и пусть каждый ваш день будет праздником!



## ЗА РУБЕЖОМ

### СИМВОЛИЧНАЯ ВЕСНА В КИТАЕ

Символичной стала нынешняя весна в Китае. Особый смысл жители страны видят в зацветающих садах. Вместе с природой возрождается и сама республика. 88 % заболевших вылечены.

Число новых случаев заражения коронавирусом в китайском Ухане упало до нуля. Сложно поверить, что месяц назад этот показатель доходил до 15 тысяч.

Огромен вклад медиков в борьбу с эпидемией. Теперь время возвращаться домой. Они приближали этот день как могли, но многим прощание кажется таким же трудным, как и полтора месяца напряженной работы.

Ли Пэйсюань, медсестра госпиталя в Ухане: «Мы будем скучать по людям в этом городе. Собираясь в дорогу, мы убрались в комнате и оставили записку «Вперед, Ухань!». Потом все разрыдались».



### ВО ФРАНЦИИ МУЖЧИНА ПРОБЕЖАЛ 42 КМ НА БАЛКОНЕ

Житель французского города Тулуза пробежал больше 42 километров по балкону своей квартиры почти за 7 часов. Он сделал около 6 тысяч кругов. Забег мужчина посвятил медикам, борющимся с COVID-19.



### САМОЛЕТ… СБЕЖАЛ ОТ ЭКИПАЖА ПОСЛЕ ПОСАДКИ

Побег самолета от экипажа запечатлели в аэропорту Конго. Грузовой Boeing совершил экстренную посадку из-за проблем с гидравлической системой. Экипаж покинул борт, а вот поставить воздушное судно на ручник забыли. В итоге лайнер прокатился по рулежной дорожке, пересек взлетно-посадочную полосу и выкатился на грунт. Работники воздушной гавани и пилоты пытались остановить самолет, но у них ничего не вышло.

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

**(с 30 марта по 5 апреля)**



**Овен.** Не самое простое время ожидает вас, зато в конце этого периода вы получите приятный бонус. За поддержкой сейчас лучше обращаться к семье, а не к друзьям. Некоторые планы, которые вы хотели осуществить в ближайшее время, сорвутся. Вскоре вы поймете: это к лучшему.



**Телец.** «Не все то золото, что блестит», – не забывайте об этом. Не стоит доверять людям, с которыми вы знакомы недавно, есть риск ошибиться в них. Постарайтесь держать себя в руках и не накалять обстановку.



**Близнецы.** Не принимайте в спешке никаких решений. Сейчас важно действовать с холодной головой. Период благоприятен для завершения накопившихся рутинных дел. Посвятите им будние дни, выходные проводите в теплом семейном кругу.



**Рак.** Период благоприятен для самосовершенствования. Сейчас можно и нужно получать образование онлайн. Не бойтесь возможных финансовых проблем: удача в этом вопросе будет на вашей стороне.



**Лев.** У вас, наконец, появится весеннее настроение. Вопросы, которые казались неразрешимыми, решатся сами собой. Старайтесь сейчас работать творчески, и не пожалеете об этом. У вас получится добиться высоких результатов.



**Дева.** Сложную работу в ближайшее время лучше делегировать, иначе у вас не хватит сил. В семейных отношениях уступите роль главного второй половинке. У творческих людей сейчас наступит период вдохновения, воспользуйтесь им.



**Весы.** Никаких глобальных проектов пока начинать не стоит. Спокойно выдохните. Период расслабленный: это время, когда нужно замедлиться и качественно отдохнуть. Если вы любите комнатные цветы, займитесь ими на этой неделе.



**Скорпион.** По-настоящему романтический период ожидает вас сейчас. Возлюбленный удивит инициативой и напором: смело поддавайтесь ему! Не ввязывайтесь в разборки, оставайтесь спокойны, займитесь своими непосредственными обязанностями.



**Стрелец.** Энергетически мощный день ждет вас 30 марта. Сложности с деньгами могут возникнуть ближе к концу недели, но все поправимо, если вы не будете тратить лишнего некоторое время. Будьте аккуратны: повышен риск получения травм.



**Козерог.** Семейные отношения – это то, на чем вам стоит сконцентрироваться сейчас. Взаимодействуйте со старшим поколением. Проявите гибкость, чтобы не было конфликтов. На работе начальство оценит ваш труд: не исключено, что вы получите премию.



**Водолей.** Идеальный период для любых серьезных решений. Звезды сулят вам успех. Важно выглядеть на высоте. С некоторыми друзьями возможны недомолвки. Не накаляйте обстановку: дайте человеку время, все наладится.



**Рыбы.** Будьте упорны, чтобы вас заметили. В личной жизни возможны разочарования, но звезды обнадеживают: все к лучшему! Займитесь самосовершенствованием.

## КЎНГИЛ МАНЗАРАЛАРИ



### МУҲАББАТ ОҲАНГИ...МИ?

Бирдан Моцартнинг «Сокинлик» мусиқаси янгради. Ёнимдаги ўриндикда хаёл суриб кетаётган қиз дарров телефонини кўтарди. Ихтиёрсиз равишда унинг айрим гаплари қулоғимга чалина бошлади. Ҳаяжонли сўзлар қиз ва Мурод исмли йигит ўртасида яқинлик, севги борлигига ишора эди.

Бир зум хаёлимда Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамонлари – Анвар ва Раънонинг самимий суҳбатлари жонланди.

Кўп ўтмай яна ўша таниш «Сокинлик»нинг овози эшитилди. Бу сафар қиз Жамшид исмли йигит билан гурунглашарди. Ўша ҳаяжон, ўша оҳанг...

Гумбурлаган момақалдироқ ўйларимни тўзғитиб юборди. Ёмғирнинг майда томчилари автобус ойнасига урилганча қуйига сиза бошлади.

### Жумбоқ

У жуда қийинчилик пайтида дунёга келади. Ёшлик чоғидан уйдан чиқиб кетади. Тирик қолиш учун қўшиқ айтиб, кун кўради ва ўз чиқишларидан бирида жонига қасд қилишади. Ушбу қаҳрамон ва қотилни топинг.

Жумбоқнинг жавоби: *Бўғирсоқ ва тулки.*

### ЯЛАНҒОЧ СЎЗЛАР

Қош қорайган. Кўча бўйида турган автоулов ёнида йигит ва қиз суҳбатлашяпти. Тўғрироғи, йигит оғзини тўлдириб бир воқеани сўзлар, ора-сира шалоқларча сўкинарди. Ҳар бир яланғоч сўз қизни атрофга аланглашга мажбур қиларди. Яқинлашганимда итоаткорона овоз эшитилди: «Секинроқ, биров келяпти...».

Бу икки ёш турмуш қуришармикан, қуришса-я?!..

### ЭҲ, ҲАЙФ ЙИГИТ ДЕГАН НОМ

Кийим-кечак дўконида ёши 19–20 лар атрофида бўлган қиз сотувчи билан савдолашарди, аниқроғи, ялинарди: «Ака, илтимос, 300 минг сўмга беринг шу курткани, бошқа пулим йўқ...».

Гап-сўзлардан куртка қизнинг ёнида турган сўлоқмондай йигитга аталганини сездим. Қиз тўхтовсиз савдолашарди, йигит эса «миқ» этмасди. Сотувчининг юзида табассум аралаш мазах, қизникида илтижо, йигитникида эса бефарқлик намоён эди.

Қизнинг ялинишини эшитишга юрагим чидамади, тез чиқиб кетдим.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ.**
*Жиззах вилояти.*

## ЎҚИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ

Ўткир Ҳошимов

### Ҳажвий ҳикоялар

*Элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби салмоқли қисса ва романларини, юзлаб жиддий ҳикоя ва бадиаларини мутолаа қилган китобхон ларзага тушади, кўп саҳифаларни ўқиганида кўзига ёш келади. Ўткир Ҳошимов – серқирра адиб. Унинг ўнлаб ҳажвий ҳикоялари, комедиялари, ичакузди ҳангомаларини ўқиган ва томоша қилганда дилингиз равшан тортади.*

*Ушбу тўпламга ёзувчининг энг сара ҳажвий асарлари жамланган. Улардан бирини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.*




### САИД АҲМАД САФАРДА

«Худо урган» бир танқидчи бўларди. Шунақанги «зўр» эдики, ўзбек адабиётида ҳаммага ёққан асар пайдо бўлиши билан чангини чиқариб дўппосларди. Агар маҳаллий матбуотда унинг «фош қилувчи» мақолаларига жой беришмаса, Москва газеталарида «уриб чиқар»ди. Яна бир одати – ҳазил, ҳажв, юмор деганининг кўчасидан ўтмагани учунми, ерга ётқизиб қўйиб, бир ҳафта қитиқласангиз ҳам ишшайиб тураверар, кулгига тоқати йўқ эди. Хуллас, кунлардан бирида наҳорги ошга борадиган бўлдик. Саид Аҳмад акага мен «шўпирлик» қилдим. Буни қаранг, меҳмонлар шу тартибда ўтириб қолдики, Саид Аҳмад ака билан бояги «зўр» танқидчи бир лагандан ош ейдиган бўлди.

– Менга қаранглар! – деди Саид Аҳмад ака овозини баралла қўйиб. – Ҳеч замонда ит билан мушук бир товоқдан овқат еганини кўрганмисизлар? Кўрмаган бўлсаларинг, энди кўрасизлар!

Худди шуни кутиб тургандек, ош тортилди. Иккovларининг ўртасига лаган келтириб қўйишди. Танқидчи аланг-жаланг бўлиб қолди: қошиқ йўқ экан.

– Қашиқ борми? – деди танқидчи бўйнини чўзиб.

– Қошиқни нима қиласан? – деди Саид Аҳмад ака. – Ҳамма қўли билан оляпти, сен ҳам ошалаб еявер-да, ё қўлингни ювмаганмисан?

– Йўқ, – деди танқидчи. – Қашиқ билан еса «стерильний» бўлади.

– Ҳой, болам, – деди Саид Аҳмад ака, чой ташиб юрган йигитчага, – мана шу акангга битта қошиқ топиб кел. Чўмич бўлсаям майли...

Қошиқ келиб, танқидчи уч-тўрт луқма егунича Саид Аҳмад ака сабр қилиб турди. Кейин сўради:

– Қалай?

– Зўр! – деди танқидчи ғўлдираб.

– Биласанми, – деди Саид Аҳмад ака салмоқлаб. – Сен ош еяётган қошиқ неча кишининг оғзига неча марта кириб-чиққанини билмайман-у, менинг қўлим ўзимдан бошқа ҳеч кимнинг оғзига кирмаган! Олавер, «Стерильний», олавер!



**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
kapitan Azizjon FAYZIYEV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami
20210000900447980001
MFO 00420.
ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4121.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 518 nusxada chop etildi.

**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.